

ЎЗБЕКИСТОН

ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 август куни Оксаройда АҚШ Куролли кучлари Марказий Қумондонлиги қумондони Девид Петреусни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларни янада ривожлантиришга муҳим аҳамият беришини ҳамда ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли шериклик тамойиллари асосида икки ва кўп томонлама самарали ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади. Мулоқот чоғида Ўзбекистон – АҚШ муносабатларининг истиқболига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда кун тартибига киритилган масалалар депутатлар томонидан муҳокама этилди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилган ишлар ва янги ўқув йилидаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда соҳадаги ислохотларни юртимиздаги янгиланиш жараёнларига уйғун ҳолда такомиллаштириб бориш, ўқувчиларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли зарарли оқимлар ва ахборот таҳдидларидан ҳимоя қилиш хусусидаги долзарб вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда пойтахтимизнинг тарихи, бу ерда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, дунё мамлакатлари ҳамда шаҳарлари билан дўстлик алоқалари ҳақида етакчи олимлар, мутахассислар маъруза қилдилар. Тадбир давомида Тошкент шаҳрининг тарихи ва бугунги куни акс эттирилган фотосуратлар кўргазмаси намойиш қилинди.

● «Ўзэкспомарказ»да Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматлар – «EXPO.UZ – 2009» кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг «GM Uzbekistan», «Фотон», «Fortek», «Bentonit», «Кумуш», «Bauplast», «Desk-Invest», «Барчиной», «Muruvvat Teks», «Ascon», «Nestle Uzbekistan», «Dion Group», «Urgench Yog», «Orient Mebel», «Alesta Glass» каби компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этишди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Навоий вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари – Зарафшон шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи, подполковник Азамат Шодиевич УРОҚОВ.

Азамат Шодиевич Уроқов 1966 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1988 йилда Навоий шаҳар ИИБ вояга етмаганлар иши бўйича инспекциясининг участка инспектори лавозимидан бошлаган. 1991–2009 йилларда Навоий шаҳар ИИБ милиция участка инспектори, катта участка инспектори, Навоий вилояти ИИБ ХЧК ва ФБ бўлими бошлиғи ўринбосари, Навоий шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, Навоий вилояти ИИБ ҲООБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Бухоро вилояти Пешку тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Ўткир Мухсинович РАЖАБОВ.

Ўткир Мухсинович Ражабов 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Бухоро тумани ИИБ вояга етмаганлар иши бўйича инспекцияси инспектори лавозимидан бошлаган. 1991–2009 йилларда Бухоро тумани ЖКБ тезкор вакили, бўлинма бошлиғи, Бухоро вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ катта тезкор вакили, Пешку тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Халқаро Қизил Хоч қўмитаси (ХҚ-ХК)нинг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Ив Джованнони бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.

Меҳмонларни республика ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник И. Турғунов қабул қилди.

И. Турғунов инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролар муносабатлари бўйича ИИБ ва унинг қуйи тизимларида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида меҳмонларга гапириб берди. Жумладан, вазирликда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси, республика бўйича эса бўлим ва бўлинмалари ташкил қилинди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ИИБ билан Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази

Миллий маркази ўртасида ҳамкорлик туғрисидаги Битим имзоланган. Айни масаладаги ишларни янада яхшилаш ва ҳамкорлик алоқаларини мустақамлаш мақсадида ИИБ Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан уч томонлама Келишув доирасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб маҳаллий ва хорижий нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, жамғармалари билан яхши муносабат ўрнатилган. Вазирлик ходимлари инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масалаларига бағишлаб ўтказилаётган халқаро конференция, форум ва бошқа анжуманларда фаол иштирок этишмоқда.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини, жумладан, ишонч телефонлари орқали қилаётган муносабатларини

холисона кўриб чиқиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Бинобарин, ариза, шикоят ва таклифлар белгиланган тартибда умумлаштирилмоқда. ИИБда ва жойлардаги ички ишлар идораларида фуқароларнинг муносабатлари қабул қилинадиган бино ва хоналар фаолияти яхши йўлга қўйилган. 238 та ишонч телефони аҳоли хизматида.

Ўз навбатида ХҚХКнинг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Ив Джованнони ўтган йиллар давомида нафақат ИИБ тизимида, балки мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилганини эътироф этди. ИИБ ва ХҚХК ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бўйича қўлга киритилган анъаналарни янада ривож топишига умид билдирди.

Мулоқот чоғида томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб олишди.

Н. ОЧИЛОВ.

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 февралдаги фармойиши билан тасдиқланган Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ИНСОН ШАЪНИ — МУҚАДДАС

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Шодиев иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқати ва Халқаро Қизил Хоч қўмитаси ўртасидаги «Озолликдан маҳрум этилганлар ва қамоқдагиларга нисбатан гуманитар фаолият соҳасида ҳамкорлик туғрисида»ги келишув ижросининг ҳозирги кундаги аҳволи ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, тадбирда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа долзарб масалалар бўйича ҳам маълумотлар тингланди ва муҳокама қилинди.

Йиғилиш якунида Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

САФ КЎРИГИ

ХОДИМЛАР БАЙРАМГА ТАЙЁР



Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 18 йиллик тантанаси ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи олдидан республика Ички ишлар вазирлиги Марказий аппарати шахсий таркиби ўртасида саф кўриги ўтказилди. ИИБ Бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари ходимлари ва раҳбарлари Тошкент шаҳар ИИББ жанговар тайёргарлик марказига йиғилишди. Унда асосий эътибор ходимларнинг ташқи кўриниши, хизмат кийимини кийиш тартибига амал қилишлари яна бир карра назоратдан ўтказилди.

Саф кўригида республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш. Икрамов иштирок этиб,

байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш ва тантанани нишонлаш жараёнида барча шахсий таркиб хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий риоя этиши зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, хизмат кийимини белгиланган тартибда кийиш, фуқаролар билан муомалада касб одобномасига амал қилиш, ходимлар ҳушёрлиги ва жанговар шайлигини янада ошириш юзасидан лозим бўлган вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Кўрик давомида ИИБ шахсий таркиби оркестр садолари остида шахдам қадамлар билан сафдан ўтди.

Қ. ШОКИРОВ.

ХАБАР

НАТИЖАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Шу йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ ва «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси масъул ходимлари компания тасарруфидаги 8 та нефть, газ қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, 8 та магистрал газ узатиш қувурлари бошқармалари корхоналари, 2 та нефтни қайта ишлаш заводи, 23 та нефть база ва уларнинг филиалларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ишларининг ҳолатини ўрганиб чиқишган эди. Бу йўналишда амалга оширилган ишларнинг натижаси бўйича 2009 йил 14 август куни «Ўзнефтгаз-қазибчиқариш» акциядорлик компанияси мажлислар залида республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси, «Ўзбекнефтгаз» МХК, объектларнинг раҳбар ва масъул ходимлари иштиро-

кида йиғилиш ўтказилди. Унда нефть ва газ саноати корхоналарида ёнгин хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш, ёнгин хавфсизлиги бўлинмалари моддий-техник базасини мустақамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинди.

Шунингдек, йиғилишда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар юзасидан «Муборакнефтгаз», «Муборак газни қайта ишлаш заводи» ва «Газлинефтгазқазибчиқариш» унитар шўба корхоналари масъул ходимларининг ҳисоботи тингланди.

М. МУСАХОЖИЕВ,
майор.

ТАШАККУР БИЛДИРИЛДИ

Яқинда вилоят ИИБда республика ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида таҳсил олаётган наманганлик 31 нафар курсантнинг ота-оналари билан навбатдаги мулоқот бўлиб ўтди. Унда ИИБ Академияси цикл бошлиғи ўринбосари, капитан Ш. Бердиев наманганлик йигитларнинг ўқув, жисмоний ва жанговар машғулотларда эришаётган ютуқларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, энг юқори кўрсаткичларни қўлга киритиб, рағбатлантирилган курсантларнинг ота-оналарига раҳбарият номидан ташаккур билдирди.

Ота-оналар номидан сўзга чиққан М. Субанова ва бошқалар Академияда яратилган шарт-шароитлар билан танишиб келганликларини тўлқинланиб сўзладилар ва фарзандларига билим бераётган барча профессор-ўқитувчиларга, ушбу учрашувни ташкил этганларга миннатдорлик изҳор этдилар.

Рустам НУРИДДИНОВ,
капитан.

Наманган вилояти.

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан бошланган «Шарқ тароналари» халқаро мусикий фестивалининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишининг муҳим жиҳати бор. Асрлар бўйи давом этиб келаётган шарқ маданияти, санъати, халқ анъаналари кўҳна ва ҳамisha навқирон, замин сайқали номини олган бу шаҳри азимда ҳам ўз аксини топган. Шу йил 25-29 август кунлари Самарқанд шаҳрида яна шарқ тароналари янграйди.

Еттинчи марогаба ўтказилаётган халқаро мусиқа фестивалига олтмишга яқин давлатдан мусиқа ва санъат намояндалари иштирок этиши кутилмоқда. Одатдагидек асосий сахна ўзининг маҳобатли, бетакрор жозибали бинолари билан дунё

аҳлини лол қолдираётган Регистон майдонига ўрнатилган. Шу билан бирга, фестиваль иштирокчиларининг концерт дастурлари Самарқанд шаҳрининг бир қатор истироҳат боғлари, шунингдек, вилоятнинг Самарқанд, Тайлоқ, Ур-

гут, Жомбой, Оқдарё, Пайариқ туманларида ҳам уюштириш режалаштирилган.

Дунёнинг санъат ихлосмандлари қизиқиб, интиқлик билан кутаётган мусиқа фестивалини тинч, осойишта ўтиши, меҳмонлар ва иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш учун вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан зарур профилактик чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Фестиваль кунлари вилоят



ТАРАДДУД

ХАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан мамлакатимизда 15-16 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Унда юртдошларимизнинг гайрати туфайли ўлкамиз ободонлашиб, янада кўркамлашди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами бўсағасида ўтказилган умумхалқ ҳашарида ички ишлар идоралари ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.

МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШДИ

Чунончи, республика Ички ишлар вазирлигида ҳам умумхалқ тадбири кўтаринки руҳда ўтказилди. Ҳашарда қатнашган ҳамкасблар мамлакатимизни янада чирой очиши, фаровон этишга ҳисса қўшишди. ИИБ Марказий аппарати ходимлари томонидан вазирлик ҳудуди тартибга келтирилиб, ариқлар тозаланди. Шунингдек, дарахтлар оқланиб, хизмат хоналари саранжомланди.

Ўз мухбиримиз.

МУРУВВАТ

ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак». Сирдарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ушбу иборага амал қилган ҳолда яқинлашиб келаётган кутлуг айём арафасида бир қатор савобли ишларни амалга оширмоқдалар.

Ногирон пенсионерлар, боқувчисини йўқотганлар ҳамда хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиш кўп йиллардан бери анъанага айланган.

Янги уқув йили бошланиши ҳамда мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида вилоят ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимлар — Оқолтин тумани ИИБдан Зокир Абдурасулов, Боёвут тумани ИИБдан Мелс Йулдошев, Гулистон шаҳар ИИБдан Хоидиёр Ваққосовнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиниб, уларнинг вояга етмаган фарзандларига ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар



совға қилинди. Бундай хайрли ишлар фақат байрамларда эмас, бошқа кутлуг кунларда ҳам давом этади.

Н. ЙУЛДОШЕВ,
катта лейтенант.

Сирдарё вилояти.

Сурагда: вилоят ИИБ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, майор Тулқин Мажидов совғалар топширмоқда.

Муаллиф олган сурат.

ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ!

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Бугун юртимиздаги барча дам олиш оромгоҳлари болажонлар билан гавжум. Ёзги таътилни мароқли ўтказиш, кўнгилли ҳордиқ чиқариш эртанги кунимиз эгалари бўлмиш ёш авлод вакилларининг бошланаётган ўқув йилида пухта билим олишларига замин яратади. Шу ўринда оромгоҳларда ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақаларининг ўрни беқиёс.

Бу йилги таътил мавсумида Фарғона вилояти ИИБ ҲООБ Вояга етмаганлар орасида

ҳуқуқбuzарликларнинг олдини олиш бўлинмаси ходимлари ибратли ташаббус билан чиқдилар. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда 50 нафар профилактик назоратда турувчи болалар Кува-сой шаҳридаги «Ниҳол» оромгоҳига бепул дам олиш учун жалб қилинди.

— Бу болалар айрим сабабларга кўра жиноят ва ҳуқуқбuzарликларга қўл урган бўлсаларда, уларни келажақда комил инсон этиб тарбиялашга ҳали имконият мавжуд, — дейди вилоят ИИБ ҲООБ ВЕОҲООБ бошлиғи, майор Ойбек Каримов. — Уларни оромгоҳга жалб этишимиздан асосий мақсад ҳам туғри ва эзгу йўлга йўналтиришдир.

Оромгоҳда мароқли ҳордиқ чиқараётган болажонларнинг кувончлари чексиз. Турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётди. Натижада мурғак қалбларда меҳру мурувват ва эзгулик гунчалари куртак отмоқда.

Абдусит Сиддиқов.
Фарғона вилояти.

Сурагда: вилоят ИИБ ҲООБ ВЕОҲООБ инспектори, сержант Муроджон Аҳмедов дам олувчилар билан.

Муаллиф олган сурат.



Ёзги таътил давомида вилоятимизда 41 та болалар дам олиш оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Улардан бири вилоят ИИБ ва халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил қилинган тарбияси оғир ўсмирлар оромгоҳидир. «Коинот» дам олиш масканида икки мавсумда 140 нафар бола дам олиши мўлжалланган.

«КОИНОТ» БАҒРИДА

Бу ерда болаларнинг дам олишларини мазмунли ўтказиш учун турли кечалар, шоирлар, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилиб борилаётди. Шунингдек, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг болалар билан ўтказётган қизиқарли суҳбатлари уларда катта таассурот қолишига шубҳа йўқ. Ахир ҳаёт хавфсизлиги билан боғлиқ керакли ўғитларни ким ҳам билишни хохламайди дейсиз. «Камалак» ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотларининг ташрифи ҳам болалар учун байрамга айланиб кетди. Болалар томонидан ижро этилган шеър ва кўшиқлар узоқ вақт оромгоҳ ташқарисида ҳам эшитилиб турди. Таъкидлаш лозимки, ушбу масканда болалар учун барча шароитлар яратилган. Шинамгина ётоқхона, уч маҳал иссиқ овқат. Шифокорлар болаларнинг саломатлигини текшириб туришади.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

Хоразм вилояти.

ЖАҲОН



АЙВОНИДА

САЙЛОВ ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Афғонистонда мураккаб бир вазиятда «толибонлар»нинг таҳдидларига қарамасдан президентлик сайлови бўлиб ўтди. Афғон халқи ҳаётининг яхшила-ниши ва мамлакатда тинчлик ўрнатилиши учун овоз беришди. Сайлов натижалари икки ҳафтадан кейин эълон қилинади.

Ахборот агентликлари тарқатаётган хабарларда номзодлар (41 нафар) орасида амалдаги президент Ҳамид Карзай ва собиқ Ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулланинг имкониятлари катта эканлиги айтилмоқда.

ИНФЛЯЦИЯ ОҚИБАТИДА

«Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, Зимбабве доллари энг юқори инфляция даражасига етиб, ўта қадрсизлангани учун мамлакатда ягона пул бирлиги бекор қилинди. Ҳукумат савдо-сотик ишларини Жанубий Африка ранди ва АҚШ долларида олиб боришга рухсат берди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, БМТ маълумотларига кўра, айни пайтда 2 миллион зимбабвелик муҳтожликда кун кечирмоқда.

ИРОҚДА ХУНРЕЗЛИК

France-Presse ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, сўнгги пайтларда Ироқда яна террорчилик авж олган. Ачинарлиси, кўпуровчиликлардан асосан тинч аҳоли кўп жабр кўрмоқда.

Санжар шаҳридаги ошхоналардан бирида икки террорчи ўзларини портлатиб юбориши натижасида 18 киши ҳалок бўлиб, 32 киши жароҳатланган эди. Шу йилнинг 19 августидан эса мамлакат пойтахтининг бир неча жойида юз берган портлашлар 98 кишининг умрига зомин бўлди, 200 нафардан ошиқ одам жароҳатланди.

МДХ ТАРКИБИДАН ЧИКДИ

Шу пайтгача Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги 12 та давлатни ўзига бирлаштирган эди. Энди уларнинг сони биттага қисқарди. Грузия шу йилнинг 18 августидан МДХ таркибидан расмий равишда чиқди. Парламент бу ҳақда қарор қабул қилди.

Мамлакат Ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, республика МДХга аъзо давлатлар билан икки томонлама дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини узмайди. Сиедатчилар бу ҳолни Грузиянинг 2006 йилдан бери НАТОга аъзо бўлиш ҳаракатида эканлиги билан изоҳлашмоқда.

БАНКЛАР ИНҚИРОЗИ

АҚШда шу йил бошидан буён ҳаммаси бўлиб 77 та банк ўзини банкрот деб эълон қилди. Кузатувчиларнинг фикрича, банкларнинг ёпилиш жараёни яқин вақтда тўхтамайдиган кўринади. Давом этаётган иқтисодий инкироз жаҳондаги энг бой мамлакат банк тизимини ҳам қийин ахволга солиб қўйди.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мустақиллигимизни мустақамлаш борасида бетимсол ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, диёримизда тинч, осойишта ва обод ҳаётни барпо этиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Терроризмга қарши кураш дунё миқёсидаги долзарб муаммо бўлиб турган ҳозирги вақтда халқимизнинг осуда ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Шу боис Мустақиллик — умумхалқ байрами шодиёналарининг мамлакатимиз бўйлаб тинч, осойишта, юксак савияда ўтишини таъминлаш мақсадида вазирлигимиз томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва у изчил амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизда, вилоятлар, шаҳар ва туманлар марказларида, ҳар бир қишлоқ, овул, қўрғон ва маҳаллада — байрам ўтадиган барча ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, факулда ҳодисаларнинг олдини олиш, аҳолининг тинчлигини, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш юзасидан алоҳида гуруҳлар иш олиб бормоқда.

Мамлакатимизда 10 мингга яқин қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Тинчлик, осойишталик, ҳамжихатлик, аввало, оиладан, маҳалладан бошланади. Шунинг эътиборига олган ҳолда, ҳар бир қишлоқ, овул, қўрғон ва маҳаллада ички ишлар идоралари ходимлари, профи-

Абдулла Қўлдошев:

БАЙРАМЛАР ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЎТИШИ УЧУН БАРЧА ЧОРАЛАР КЎРИЛГАН

лактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, фаоллар, маҳалла оқсоқоллари, таълим-тарбия соҳаси вакиллари иштирокида аҳолини огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилаётир. Зотан, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан жамоатчиликнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бундай тадбирларда истиқлолнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар, соғлом авлодни вояга етказишга қатъий эътибор қаратилаётгани, тинчлик ва осойишталикни, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланмоқда. Ватан имон-этиқод, ори-



ят каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқлиги, мустақилликнинг моҳияти, халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўли, тарихан қисқа муддатда эришган ютуқлари бундай учрашувларнинг бош мавзусига айланган. Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий гурур, ифтихор, халқимизга хос меҳр-муруват туйғуларини фуқароларимиз, айниқса, ёшлар қалбига сингдиришнинг таъсирчан усуллари кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан, шунингдек, ги-

ёҳвандлик, ОИТС каби иллатлардан асрашга, азалий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш борасида кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилаётир. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, мутахассислар ўзаро ҳамкорликда бу борада мунтазам учрашувлар, очиқ мулоқотлар ўтказиётгани ўз самаларини бермоқда. Зотан, бугунги дорилмон кунларнинг қадрига етиш, ёш авлодни она-Ватанга садоқат, миллий ва умминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳар бир юртошимизнинг муқаддас вазифасидир.

Бундай хайрли ишлар истиқлолимизнинг 18 йиллиги тантаналари тинч-осойишта, катта қувончу шодиёналар билан ўтишининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Бу йил юртимизда истиқлол байрами кунлари яна бир қанча муҳим тантаналар — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, анъанавий “Шарқ тарона-

лари” халқаро мусиқа фестивали ҳам бўлиб ўтади.

Юртимизда ушбу нуфузли тадбирларни кўтаринки руҳда нишонлашга тайёргарлик ишлари қизгин бораётган бир пайтда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигига эътиборни янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлардан қўзланган мақсад шодиёналар барча юртошларимизнинг хонадонларида, маҳаллаларда, шаҳарларимиз кўча ва майдонларида тинч-осойишта ўтишини таъминлашдир.

Озод ва обод юртга байрамлар ярашади. Бугун юртимиз шаҳар ва қишлоқлари кучаларида, майдонларида, боғу роғларида сайр қилиб юрган болажонларни, ёш кексаларни, уларнинг чеҳрасидаги хотиржамлик ва кўтаринки кайфиятни кўриб қўз қувонади, дил яйрайди. Албатта, осойишталик бор жойда тўй-тантана, турли маросимлар кўпаяди, шоду хуррамлик ҳукм суради.

Юрт тинчлиги — улугъ неъмат, барқарор тараққиёт гаровидир. Халқимиз тинчликни юксак қадрайди, уни ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқилишининг муҳим кафолати, деб билади. Зотан, тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон бўлган мамлакатдагина илм-фан, маданият юксак тараққий этади, бунёдкорлик ишлари ривож топади, юрт гуллаб-яшнайдди. Шу боис наинки ички ишлар ходимлари, айни чоғда ҳар бир юртошимиз ҳаммаша хушёр ва огоҳ, фаол ва ҳамжихат бўлиши лозим.

ЎЗА МУХБИРИ
БЕҲЗОД НОРБОЕВ
ёзиб олди.

КИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

МАҲОРАТ ВА ТАЖРИБА КЎРИГИ

Фарғона шаҳрида республика ички ишлар идоралари ўртасида ўтказилаётган «Намунали питомник», «Намунали кичик питомник» ҳамда «Кинология хизмати аълоҳиси» кўрик-танловларининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Т. Худойбергенов маросимни кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларга омад тилади. Дастлаб кинологлар ва хизмат итлари, Фарғона вилояти ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди ва ППХ батальони аъзоларининг кўргазмали чиқиши намойиш этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Транспорт ички ишлар идораларидан келган кинологлар жисмоний тайёргарлик, саф тайёргарлиги, «Макаров» тўппончасидан ўқ отиш, тест синовлари ва хизмат итлари билан умумий курс машғулотларини бажариш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Бундан ташқари, назарий ва амалий шартларни ҳам бажаришди. Кўрик-танловнинг якуний босқичи бош-

ланишидан аввал эса Ички ишлар вазирлигининг масъул мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи кинология хизматларининг хизмат итлари питомниклари, шаҳар-туман ва тармоқ ички ишлар идоралари ҳамда йўл-патруль хизмати мунтазам масканларининг кичик питомникларини ўрганиб чиқди. Бунда питомникларда хизмат итларини сақлашга мўлжалланган вольерлар ва машғулот майдонларининг талабга жавоб бериши, хизмат хоналарининг жиҳозланганлиги, кўргазмали плакатлар мавжудлиги, хизмат хужжатларининг юритилиши, хизмат итларини ташишга мўлжалланган транспорт воситаларининг ажратилганлиги, озик-овқатларнинг сақланиши, хизмат итларини озик-лантириш учун ошхоналарнинг санитария талабларига тўлиқ жавоб бериши ҳамда содир этилган жиноятларни хизмат итлари

ёрдамида фош этилиши борасидаги кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, «Намунали питомник» кўрик-танловида Фарғона вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати «Хизмат итлари питомниги» голиб, деб топилди. Тошкент ва Андижон вилоятлари ички ишлар бошқармалари Кинология хизматлари «Хизмат итлари питомниклари 2 ва 3-ўринни эгалладилар.

«Намунали кичик питомник» кўрик-танловида 1-ўрин Бухоро вилояти ИИБ «Қизилқум» ИПХ мунтазам маскани ҳамда Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ИИБга насиб этди.

2-ўринни Андижон вилояти ИИБга қарашли 32-ИПХ мунтазам маскани ва Бухоро вилояти Когон тумани ИИБ, 3-ўринни Сирдарё вилояти ИИБ «Сардоба» ИПХ мунтазам маскани ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Чимбой тумани ИИБ эгаллади.

Кинология ходимлари ўртасида ўтказилган «Кинология хизмати аълоҳиси» кўрик-танловида 1-ўринни Наманган вилояти ИИБ кичик инспектор-кинолог, сержант Илхомжон Турғунов қўлга киритди.

Тошкент шаҳар ИИББ инструктор-кинолог, катта сержант Бахтиёр Серкабаев ҳамда Самарқанд вилояти ИИБ кичик инспектор-кинолог, сафдор Элдор Холбеков 2-ўринга, Тошкент вилояти ИИБ кичик инспектор-кинолог, кичик сержант Равшан Нишонбоев, Фарғона вилояти ИИБ инструктор-кинолог, кичик сержант Музаффар Каримов, Бухоро вилояти ИИБ инструктор-кинолог, сержант Алишер Юлдиёвлар 3-ўринга лойиқ, деб топилди.

Ғолибларга дипломлар, Фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари, Ички ишлар вазирлиги ва Фарғона вилояти ИИБнинг эсдалик совғалари топширилди.

Кўрик-танловнинг якуновчи босқичида республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ бошлигининг ўринбосари, подполковник Ғайбулло Пармонов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Бўрибой ОМОНЗОДА,
подполковник.

ТАДБИР

ОТА-ОНАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Хоразм вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлимида соҳада хизмат бошлаган ёш ходимлар ҳамда уларнинг ота-оналари билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирни вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Б. Раҳимов очиб, ёш кадрларни танлаш, ўқитиш ва иш билан таъминлаш масалалари юзасидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан гапирди. Тадбирда республика ИИБ ҳузуридаги «Кўриқлаш» бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари подполковник Т. Қаҳҳаров сўзга чиқиб, соҳа ходимлари олдида турган муҳим вазифалар ҳамда оила ҳамкорлиги масалаларига тўхталиб ўтди.

Шунингдек, учрашувда вилоят ИИБ ШТБМИ бошлиғи, майор К. Явбосаров, вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, истеъфодаги подполковник

Қ. Давлетов, вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи подполковник Б. Якубовлар сўз олиб, хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя этишнинг аҳволи, воҳа милицияси тарихи ва унинг муҳим аҳамияти, соҳа ходимлари томонидан қўлга киритилган ютуқлар хусусида ўз фикрларини билдиришди.

Тадбирда ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажариб, юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, кўриқланаётган масканларни ишончли муҳофаза қилишда намунали хизмат қилаётган ходимларга вилоят ИИБнинг Фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Постда» мухбири.
Хоразм вилояти.

«ТОЗАЛАШ — АНТИТЕРРОР»

АЙЁМЛАР КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИ

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини тантанали равишда нишонлаш, тинчлик, осойишталик ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, чет эллардан ташриф буюрган меҳмонларни муносиб кутиб олиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада Транспорт ИИБ томонидан бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда. «Тозалаш — Антитеррор» махсус тезкор-профилактик тадбири айнан шу мақсадни кўзлайди. Тадбирга ички ишлар ходимлари билан бир қаторда 695 нафар маҳалла посбонлари жалб этилган.

— Шунингдек, бошқарма ҳудудий идоралари томонидан амалга оши-

рилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш мақсадида жойларда тезкор штаблар ва ишчи гуруҳлар тузилди, — дейди Транспорт ИИБ ҲООБ бошлиғи, подполковник Х. Султонов. — Мақсад бошқарма тасарруфидаги ҳудудларда тезкор вазиятни барқарорлаштириш, факулда ҳодисалар, кўпорувчилик ҳаракатлари содир этилишининг олдини олиш, фуқаролар тинчлиги ва

осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга ижобий тезкор-профилактик таъсир ўтказишдир.

Тадбир кунлари жамоат тартибини бузганлиги ёки шубҳа уйғотганлиги учун ички ишлар идораларига бир қатор шахслар олиб келиниб, суҳбат ўтказилди. Улар тўғрисидаги маълумотлар ахборот марказлари ва навбатчилик қисмларининг

маълумотлар базасига киритилди. Шунингдек, иш ва яшаш жойи ноаниқ бўлган 80 нафардан ортиқ фуқаро реабилитация марказларига жойлаштирилди. Ҳуқуқбузарлик содир этгани учун 620 нафардан ортиқ шахс ички ишлар идораларига олиб келинди. Паспорт-виза бўйича 90та қоидабузарлик аниқланди. Маҳалла, ташкилот ва ўқув муассасаларида 270дан ортиқ учрашувлар ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, озод ва обод диёримизда кўшалок айём тинч, осойишта ўтиши учун ички ишлар ходимлари туну кун фидойилик кўрсатиб хизмат қилишаётир.

Э. КЎЗИЕВ,
катта сержант.

Рустем ака ҳақида гап очилганда ҳаёлимга бир воқеа келди. Буни хизмат сафари билан Бекободга борганимизда ёнгин учирувчилардан бири айтиб берганди.

Шаҳар мавзеларидан биридаги икки қаватли уйнинг биринчи қаватида ёнгин руй беради. Иш куни, яна кундузи бўлгани учун бу уйда яшовчиларнинг кўплари уйларидан йўқ, хонадонларда асосан болалар ва кексалар қолишганди.

Биринчи қаватдаги панжарали дераза ойналари шарақлаб синди. Аёлларнинг, болаларнинг қичқириқлари, ёрдам сураб шовқин солаётганлари эшитилиб турарди.



Нима қилиш керак? Кимдан ёрдам сураш мумкин? Кўчага йиғила бошлаганлар атрофга зир югуришарди. Улар ичкарида қолган кекса аёл ва болаларни қутқариш учун нажот ахтаришарди. Шу пайт алақадқандир пайдо бўлган оқ "Москвич" автомашинаси ёнгин бўлаётган хонадондан сал нарига келиб тўхтаб, ичидан бир киши шовқинча тушиб келди. Кейин югурганча катта йўлга чиқди-да, учраган биринчи юк машинасини тўхтатиб, ҳайдовчисига деди:

— Оғайни ёрдамнинг керак. Хонадонга ўт тушибди, учирувчилар етиб келгунча ичкарида қолганлар ҳалок бўлиши мумкин.

— Нима қилиш керак?

— Сизда трос борми?

— Бор, — деди ҳайдовчи йигит ва дарҳол ҳалиги киши кўрсатган томонга машинасини олиб кирди-да, тўхтатди ва машинадан тросни ерга ташлади. Ҳалиги киши троснинг бир учини ёнаётган хонадон дера-

засидаги темир панжарага маҳкамлаб боғлади-да:

— Ука, машинангизни юргизинг! — деди.

Трос зарб билан тортилгач, дераза панжараси ажралиб чиқиб, ичкарига йўл очилди. Ҳалиги киши дарҳол ичкарига кирди-да, хонада қолиб кетган кекса аёл ва икки болани ташқарига чиқиб

Тўйхат ўрнида

олишларига кўмаклашди. Ҳаёти қил устида турганлар қутқарилганда ёнгин учирувчилар ҳам етиб келишди.

Ниҳоят олов бутунлай учирилиб, ҳамма бироз тин олганда, кампир билан болаларни қутқариб қолган ҳалиги кишини сураб қолишди. Уни кўрган бошлиқ ҳайратда қолди:

— Рустем Алиевич, бу сизми-сиз?

— Ҳа, ўзимман, — деди устбошини қоқиб Рустем ака. — Шу томондан ўтиб кетаётгандим,

одамлар катта йўлгача қичқириб чиқиб, "Ёнгин... ёнгин бўлди", деб дод солишарди. Кейин машинамни шу ёққа бурдим...

Ўрта мактабнинг 8-синфини тамомлаган Рустем кўпдан кўнглига туғиб қўйган орзуси сари илк қадам ташлади. У Бекобод шаҳар ўт учирини қисмига ишга кирди. Тенгқурларига нисбатан жисмонан чиниққан ва зийрак ўсмирни қисмдагилар тезда ўз ўғиллари ёки укалари қатори кўрайдиган, унга меҳр билан хизмат сирларини ўргатадиган бўлишди. Қисм бошлиғи боланинг тўлиқ ўрта маълумот олиши учун шароит яратиб берди. Рустем кундузи ишлар, кечқурун ишчи-ёшлар кечки мактабига қатнади. Ўрта маълумот ҳақидаги шаходатномани қўлга олганида уни Свердловск ёнгин-техник билим юртига ўқишга юборишди.

Ўқишни аъло баҳоларга тамомлаб қайтган Рустем Аблязисни раҳбарлар сира иккиланмасдан Бекобод шаҳар ИИБ ёнгин назорати инспекциясига инспектор этиб тайинлашди. Бу вазифада

Ўзининг билим ва салоҳиятини кўрсата билган йигитни кўп ўтмай мазкур инспекция раҳбари этиб тайинлашди. У устоз-мураббийлари тажрибаларидан фойдаланган ҳолда шаҳар ҳўжалигини ёнгинлардан муҳофаза этиш юзасидан ўтказиладиган барча талбирларни бекаму кўст амалга оширишга интиларди. Натижада Бекобод шаҳарида ёнгин содир бўлиш ҳоллари кескин камайишига эришилди.

Рустем ака собиқ Иттифоқ ИИБ ҳузуридаги олий муҳандислик ёнгин-техник мактабига ҳам таҳсил олди. Ўқишни аъло баҳоларга тамомлаб келган Рустем Аблязисни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан сақлаш бошқармасининг бўлинмаси бошлиғи этиб тайинлашди. Кейин бошқарма ёнгин назорати бўлими бошлиғи ўринбосари, 1987 йилдан 1996 йилгача — нафақага чиққунга қадар бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимларида ҳам ўз касбий салоҳиятини кўрсата билди.

Муборак олтамиш ёшини қарши олган "Yong'in xavfsizligi" — "Пожарная безопасность" журнали бош муҳаррири истеъфодаги полковник Рустем Аблязисга сийҳат-саломатлик, яқинлари ва шогирдлари бахтига доимо омон бўлишини тилаб қоламиз.

Улуғбек ВАФОВЕВ,
капитан.

ХОТИРЖАМЛИК УЛАРГА БЕГОНА

Назаримда «Бош қашишга кўл тегмайди» деган ибора айнан навбатчилик қисми ходимлари учун айтилганга ўхшайди. Унча катта бўлмаган, қатор телефонлару бошқа алоқа воситалари билан тўла хонада кўнгираклар бир зум тинмайди. Боз устига, ҳар беш-олти дақиқада рациянинг овози унча-мунча одамни эсанкиратиб қўяди.

Ҳали раҳбарлар томонидан берилётган янги-янги топшириқларни туманининг турли жойларида хизматни давом эттираётган ходимларга етказиш, ҳали бошқармадан факс орқали келаётган хабарномаларни ҳал этиш, ҳали тезкор маълумот асосида ўтказиладиган махсус тадбирдан оғоҳ бўлиш...

Табиийки, тезкор навбатчи, капитан Мирҳаёт Аҳмадалиев бир пайтнинг ўзида чақирикларнинг барчасига жавоб қайтаришга улгуролмайди. Яхшики, ёрдамчиси бор. Фурқат тумани ички ишлар бўлими ташкил этилгандан бери айнан шу ерда — навбатчилик қисмида хизмат қилиб келаётган, шу боисданми ҳазилкаш ҳамкасблари томонидан «отахон» деб ном олган катта сержант Шерали Жўраев чиндан ҳам ўз ишининг ҳадисини олган. Тигиз пайтларда биров айтмаса ҳам ёрдамга шошилади, билиб ишини қилаверади. Бугун ҳам шундай бўлди. Соат миллари тунги соат 23.00 дан ошгандан кейингина вазият бир оз юмшагандек бўлди.

— Баъзи ҳамкасбларимиз бизга ҳавас қилишади, навбатчиликни топширгандан сўнг икки кечаю икки кундуз маза қилиб дам оласизлар, дейишади, — дейди Мирҳаёт Аҳмадалиев хиёл қулимсираб. — Аслида эса бундай эмас. Ахир оз эмас, кўп эмас — 24 соат давомида сергак ўтиришнинг ўзи бўладими!

Мирҳаёт Тошкент Давлат университетини битирди-ю, ички ишлар идоралари хизматида боғланди-қолди. Аввал Фурқат тумани ИИБда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори бўлиб ишлади, кейинчалик эса ХООб инспектори лавозимида бир неча йил фаолият кўрсатди.

Мана, икки йил бўляптики, ички ишлар



идорасининг юраги ҳисобланмиш навбатчилик қисмининг катта инспектор-навбатчиси.

— Яна мақтанаяпти, деб ўйламангиз «дежурка»да ишлаш ҳаммининг ҳам кўлидан келар-вермас керак, — дейди у сўзини давом эттириб. — Кундуз кунлари бир нави, ҳар лаҳзада раҳбарлар кўмагига таяниш мумкин. Аммо тунги пайтларда масъулият ҳисси янада ортади.

Худди шу пайтда ички ишлар бўлимига сочлари тўзғиб, ғижимланган кўйлагининг ёқаси йиртилган ёшгина аёл кириб келди-ю, тезкор навбатчининг эътибори унга қаратилди.

— Келинг, синглим, тинчликми? — сўради юраги алланамаларни сезгандек бир оз ҳовлиқиб.

— Узунчекда биттаси... мени пахта майдонида тортиб...

Жабранувчига бир пиёла сув беришди.

У шундан кейингина бир оз ўзини босиб олди. Шунда ҳам ўқиб-ўқиб йиғлаган кўйи афтидан кўшни қишлоқлик йигит овлоқ жойда маст ҳолатда зўрлаб номусига текканлигини айтиб берди.

Ички ишлар ходимлари жабранувчи билан жўнаб кетишди. Навбатчилик қисмида икки киши қолган бўлсак-да, ҳа деганда гапимиз гапимизга қовушмади.

Сезиб турибман: Мирҳаётнинг ичига чирок ёқса ёришмайди. Гоҳ милиционер-ҳайдовчи, сержант Қодирали Рашидов билан, гоҳ бошқа ходим билан телефон орқали боғланар, жиноятчини қўлга олиш юзасидан кетма-кет топшириқлар беришдан тўхтамасди.

Ниҳоят, ҳамкасблари бутун вужудидан арокнинг бадбўй хиди уфуриб турган гавдали йигитни етаклаб кириб келишди-ю, Мирҳаётнинг чиройи очилгандек бўлди. Бу пайтда кўнчиқар томондан қуёш буй курсатиб келаётганди...

Раҳмонали ҚОСИМОВ.

Фарғона вилояти.

Суратда: капитан Мирҳаёт Аҳмадалиев тезкор навбатчи-ёрдамчиси, катта сержант Шерали Жўраев билан хизмат пайтида.

Кишининг қалби унинг қилган ишларида акс этади, деган эди донишмандлардан бири. Дарҳақиқат, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган катта сержант Рашид Ботиров ҳам ҳалол меҳнати билан эл-юрт ҳурматида сазовор бўлаётган ходимлардан биридир.

— У жамоамиз фахри, — дейди Хоразм вилояти ИИБ ЙХБ алоҳида ЙПХ отряди 4-сафарбарлик гуруҳи командири, катта сержант Даврон Рўзметов. — Озода кийиниши, одоб-ахлоқи, хушмуомалалиги, кундалик топшириқларни ўз вақтида бажариши, зийраклиги, боринки, йўл-патруль инспекторига хос бўлган барча фазилатлар унда муҳасам. У ўз фаолияти давомида раҳбарият томонидан бир неча маротаба рағбатлантирилганлиги фикримизнинг исботидир.

Богот туманидаги 12-умумтаълим ўрта мактаб-

ИБРАТ

ни муваффақиятли тамомлаган Рашид Ботиров Урганч автомобиль йўллар коллежига ўқишга кирди. Билимга чанқоқ бу йигит фанларни аъло даражада ўзлаштириш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок эта бошлади. Айниқса, коллежда ўтказиладиган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларда ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

Коллежни тугатган Рашид Ботировни ҳарбий хизматга чақирди. Йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, вилоят ИИБ кадрлар бўлимига мурожаат этди. Пухта билим ва жисмоний тайёргарликка эга бўлган йигит барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида қабул қилинди.

— Бу соҳа ходими ниҳоятда хушёр, уддабурон ҳамда тезкор бўлиши лозим, — дейди истеъфодаги катта сержант Зарифбой Эшнӣёзов. — Ҳарбий хизматда анча товланиб қайтган Рашид Ботиров касб сирларини кунт билан эгаллашга интилди. Қисқа вақт ичида раҳбарият ишончини қозониб, жамоамизнинг энг интизомли ходимига айланди. Мен бундай гайратли шогирдим билан ҳақли равишда фахрланаман.

Айни пайтда устозлик бахтига муяссар бўлган катта сержант Рашид Ботировнинг шогирдлари анчагина. Катта сержант Қаҳрамон Дурумов Хонқа тумани ИИБ ЙХБ катта инспектори лавозимида хизмат қилаётган бўлса,



сержантлар Жуманазар Жуманиёзов ҳамда Ихтиёр Матқаримовлар 4-сафарбарлик гуруҳининг энг фаол инспекторлари саналади.

— Бундан бир неча йил муқаддам содир бўлган автоҳалокат ҳамон хотирамда, — дейди сержант Р. Ботиров. — «Тошкент-Урганч» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «Истана» русумли микроав-

ҲУРМАТГА ЛОЙИҚ ЙИГИТ

тобус ҳайдовчининг бошқарувни йўқотиши оқибатида ҳалокатга учради. Воқеа жойига биринчилардан бўлиб етиб келдим ва йўл-транспорт ҳодисаси бўйича навбатчилик қисмига хабар қилдим. Шифокорлар «Тез ёрдам» машинасида жабрланган ҳамда воқеа жойида ҳалок бўлганларни касалхонага олиб кета бошлашди. Аммо улар кўпчилик эди. Навбатдаги «Тез ёрдам» машинаси келишини кўтиб турмасдан ҳамкасбимни воқеа жойида қолдириб, жабрланган йўловчиларни машинага ўтказиб касалхонага олиб бордим. Шифокорларнинг ўз вақтида кўрсатган ёрдами тўғрисида бир неча кишининг ҳаёти сақлаб қолинди. Орадан йиллар ўтди. Шу йил январь ойи эди. Хизмат вазифамни ўтаётсам бир киши келиб, миннатдорлик билдирди. Суриштирсам ўша «Истана» автобуси йўловчиларидан бири экан.

ЙПХ инспектори, катта сержант Рашид Ботиров ҳам ўз хизмат вазифасини сидқидилдан адо этиш билан бирга, йўловчи-ю, ҳайдовчиларга ёрдам беришдан чарчамайди. Шу боис уни кўпчилик «Ўзимизнинг Рашидбек» дея ҳурмат билан тилга олади. Халқ назарига тушишдан-да улғурок бахт борми, дунёда?!

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Постда» муҳбири.

Хоразм вилояти.

Суратда: катта сержант Рашид Ботиров хизмат пайтида.

Муаллиф олган сурат.



ҚОНУН — ҲУҚУҚ КАФФЛАТИ



«ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ШАРҲ

7-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари ва оммавий ахборот воситалари

Фуқароларнинг давлат органларига газеталар, журналлар, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари тахририятлари орқали келиб тушган муурожаатлари ушбу қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган муурожаатларидан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат фикрини ўрганиш ва акс эттириш учун фойдаланилиши мумкин.

Фуқаролар ўзларининг баъзи муурожаатларини оммавий ахборот воситаларига, яъни газета, журнал, радио ва телевидениега юбордилар. Зеро, бунинг пировардида муайян маънода оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган муурожаатларда кўйилган масалаларнинг жамоат назоратида бўлишига эришилади. Давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги ҳам таъминланади.

Оммавий ахборот воситалари орқали давлат органларига келиб тушган муурожаатлар ҳам ушбу Қонуннинг 17, 18-моддаларида белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади ҳамда натижаси тўғрисида муурожаат этувчига, шунингдек оммавий ахборот воситасига (агар бу ҳақда сўралган бўлса) хабар қилинади.

Оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг муурожаатларидан жамоатчилик фикрини ўрганиш ва акс эттириш мақсадида фойдаланганларида, энг аввало, муурожаатларни кўриб чиққан давлат органларининг уларда келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги хулосаларига асосланишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари муурожаат этувчининг шахсига тааллуқли бўлган маълумотларни унинг розилигисиз кенг жамоатчиликка эълон қилишлари мумкин эмас. Акс ҳолда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига биноан муурожаат муаллифи оммавий ахборот воситаларидан раддия беришни талаб этишга ёхуд ариза билан судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

8-модда. Фуқароларни қабул қилиш

Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш ташкил этилади. Фуқароларни қабул қилиш раҳбар ёки бошқа мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида алоҳида бўлинмалар тузилиши мумкин, фуқароларни қабул қилиш учун масъул мансабдор шахслар белгилаб қўйилади.

Қабул белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади, қабул жадвали фуқаролар эътиборига етказилади.

Фуқаро оғзаки муурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак.

Фуқарони қабул қилиш, агар унинг бир неча бор қилган муурожаати асоссиз, қонунга хилоф хусусиятда бўлса ёки унинг муурожаати бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланади.

Қонун ҳужжатлари талабига кўра давлат органларида фуқароларнинг аризалари, таклифлари ва шикоятлари билан ишлашни ташкил этиш, шунингдек, ташкилотлар раҳбарлари томонидан фуқароларни қабул қилишни амалга ошириш тартиби алоҳида Низом билан белгиланади. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда: қабул қилишни амалга оширадиган раҳбар ёки мансабдор шахснинг олдиндан аниқлаб, унга шундай ваколатларни юклаш, давлат органида қабулни доимий амалга оширадиган махсус бўлим ёки бўлинмаларни тузиш, фуқароларни қабул қилиш учун махсус жой (хона)ларни ажратиш, қабул қилиш вақтларини (жадвалини) белгилаш, қабулга келган фуқароларни қабул қилиш тартиби билан таништириш кабилар ўз ифодасини топан бўлиши керак. Ушбу тартиб ва шарҳланаётган Қонун талаблари асосида давлат органлари томонидан қабул қилинадиган низомлар умуммажбурий характерга эга бўлса, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг муурожаатла-

рини давлат органлари томонидан кўриб чиқиш муддатлари ва такрорий муурожаатлар борасида амалиётда учраб турадиган айрим муаммоларга барҳам беради.

Фуқароларни қабул қилиш раҳбар ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилиши керак. Агар бунга масъул этиб белгиланган мансабдор шахслар меҳнат таътили ёки хизмат сафаридида бўлсалар, уларнинг вазифасини вақтинчалик бажариш юклатилган бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқароларни қабул қилиш амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари доимий равишда фуқароларни қабул қилиш билан шуғулланадиган бўлим (бўлинма)лар ёки мансабдор шахсларни белгилайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Президентни девони, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фуқароларнинг муурожаатлари билан ишловчи алоҳида бўлим (бўлинма)лар мавжуд.

Фуқароларни қабул қилиш кунлари ва соатлари ҳар бир давлат органи раҳбари томонидан буйруқ асосида аниқ белгилаб қўйилиши керак. Улар белгиланаётганда давлат органларининг мансабдор шахслари имкон қадар фуқароларга қулайлик яратиш, яъни узоқ манзилдан келган муурожаат этувчининг уйга қайтиши имконияти ва бошқа ҳолатларни эътиборга олишлари лозим. Шу тартибда белгиланган кун, вақт ва жой асоссиз равишда давлат органлари мансабдор шахслари томонидан ўзгартирилиши ёки бошқа вақтга қолдирилиши мумкин эмас. Фуқароларни қабул қилиш кунини, соати ва қабул қилладиган мансабдор шахс ҳақидаги маълумотлар ёзилган жадвал ҳамма кўриши мумкин бўлган жойга осиб қўйилади.

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида давлат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари томонидан жойларга бориб фуқаролар қабулини уюштирилиши давлат органларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги инсонпарварлик фаолиятидан далолат беради.

Фуқаро давлат органларига оғзаки муурожаат этганда ўз шахсини тасдиқловчи қан-

дай ҳужжатларни кўрсатиши кераклиги тўғрисидаги маълумотлар ушбу Қонуннинг 4-моддаси шарҳида батафсил ёритиб берилган.

Агар фуқаро айна битта давлат органига икки мартадан ортиқ асоссиз ва қонунга хилоф хусусиятдаги ариза, таклиф ва шикоят билан муурожаат қилган ҳамда уни қабул қилиш рад этилган тақдирда фуқарога мазкур хатти-ҳаракат устидан юқори турувчи давлат органига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтириш зарур.

Фуқароларнинг асоссиз ва қонунга хилоф хусусиятдаги ёзма муурожаатлари ҳам шу тартибда ҳал этилади. Бу борада айрим МДХ давлатлари тажрибасига эътибор қаратиш ўринлидир. Масалан, «Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Россия Федерациясининг Федерал Қонунига кўра, фуқаронинг бир неча марта қилган бир хил мазмундаги ёзма муурожаатига айна бир идора томонидан жавоб қайтарилган бўлса-ю, фуқаро янги муурожаатини бошқа далиллар билан асослантирмаган ҳолда қайта-қайта мазкур идорага юборишда давом этса, идора раҳбари ёки ваколатли шахс навбатдаги муурожаатни асоссиз деб топиш ва ушбу фуқаро билан ёзишмаларни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Аммо ваколатли орган томонидан берилмаётган жавоб муурожаатда кўйилган саволга моҳиятан мос келмаса, фуқаро илгариги мазмундаги хатни мазкур идорага қайта юбориш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда фуқаро томонидан ўзининг муурожаатига моҳиятан тўғри жавоб берилмаганлиги асослантирилган бўлиши керак.

Юқорида таъкидланганидек, давлат органларида фуқароларни қабул қилиш тартиби давлат органлари раҳбарлари томонидан белгиланади. Унга кўра фуқароларни қабул қилишга масъул этиб белгиланган мансабдор шахслар фуқароларнинг муурожаатлари бўйича тўғри ёндашувни ҳосил қилиш мақсадида ўзи фаолият кўрсатаётган давлат органидаги тегишли соҳа мутахассисини, зарур ҳолларда эса кўйи турувчи ёки бошқа тааллуқли давлат органларининг раҳбарлари ёки мансабдор шахсларини ҳам жалб этиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органларида шундай тартиб қўлланилади.

**(Боши ўтган сонларда.
Давоми бор).**



ҚОНУНИЙ ВАКИЛЛИК



Ёлда тутинг!

Қонуний вакил муайян шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини барча муассасаларда, шу жумладан судда қонун талабига кўра ҳимоя қиладиган шахслар.

Хусусан, ота-оналар ўзларининг вояга етмаган фарзандларининг қонуний вакиллари ҳисобланади. Уларга ўз фарзандларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳеч қандай ишончнома керак эмас. Вакиллик қилиш учун ота-оналикни тасдиқловчи ҳужжатнинг (паспорт ва боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома) ўзи кифоя қилади.

● **Муомалага лаёқат-**

сиз ёки муомала лаёқати чеklangан шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг қонуний вакиллари, бинобарин уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, васийлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Бунинг учун улар судга ўзларининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларни, хусусан ота-оналар ва фарзандликка олганлар паспорт ва туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, васийлар ва ҳомийлар эса васийлик ёки ҳомийликка тайинлаш тўғрисидаги тегишли қарорни тақдим қиладилар.

Қонуний вакил судда иш олиб боришни вакил сифатида ўзи танлаган бошқа шахсга топшириш ҳуқуқига эга.

● **Белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган фуқаро** иштирок этиши лозим бўлган иш бўйича унинг вакили сифатида мазкур фуқаронинг мол-мулкни кўриқлаш ва бошқариш ҳамда шахсий ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайинланган шахс қатнашади.

● **Вафот этган ёки белгиланган тартибда ўлган деб эълон қилинган шахснинг** меросхўри қатнашиши лозим бўлган иш бўйича, агар меросни ҳали ҳеч қим қабул қилиб олманган бўлса, меросхўрининг вакили сифатида васий ёхуд мерос мол-мулкни сақлаш ва бошқариш учун тайинланган сақловчи шахс қатнашади.

**(Боши ўтган сонларда.
Давоми бор).**

Бухоро шаҳрида «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича Омбудсман ва суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасидаги ҳамкорлик» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ўзбекистон Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Судлар ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар палатаси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова «Суд-ҳуқуқ ислохотлари изчил давом этаётган шароитда Омбудсман институтининг роли ва ўрни: тажриба ва муаммолар» ҳақида маъруза қилди.

– Кирсангиз бўларди. Қайнонгангиз яхши кўрар экан, пишириқнинг устидан чикдингиз.

– Раҳмат, шошиб туривдим, – Шокир ака елқасидан тоғ ағдарилгандай зинадан энгил пастлай бошлади.

Энди маҳалланинг нариги четдаги кўп қаватли уйнинг бир хонали хонадонидан ёлғиз яшовчи отахоннинг ҳолидан хабар олиши керак. Тўғри, у ҳеч бир нарсадан арз-шикоят қилгани йўқ. Лекин ўтган-қайтганида уйи олдидаги ўриндиқда мунгайиб ўтирганини кўриб ҳар гал Шокир аканинг юраги ачишиб кетади. «Кексайганда ёлғиз қолиш ёмон-да», деб қўяди ўзига ўзи. Ота-хон аввалига останада формадаги киши турганини кўриб сўради: «Нима гап, тинчликми?» Кейин Шокир акани таниб, ичкарига бошлади.

– Э, Шокиржон, келинг-келинг. Қаричилик: кўз яхши кўрмайди, қулоқ ҳам оғирлашган. Ҳа, энди олма билан ўрик бўлармидик.

– Унақа деманг, амаки, ҳали бақувватсиз. Манаман деган кампирлар ҳам жон деб тегиб олади.

– Э, манга ўхшаган сассиқ чолни бошига урадимми?

ОЧЕРК

ОДДИЙ ДАМЛАР РАСИДА



бойнинг устидан шикоят қилиб келганди. Айтишича, Азимбой ундан 500 минг сўм қарз олиб, келишилган муддат ўтса ҳамки, эрта-индин деб тўлашни пайсалга солиб юрган экан.

Уша куниеқ майор Шокир Мирзаев Азимбойни идорага чақиртирди. Опанинг аризасини кўрсатган эди, йигит тониб ўтирмади, ҳақиқатан ҳам қарз олганини тан олди. Ҳатто, бу ҳақда тилхат ҳам ёзиб берганлигини айтди. Фақат пул орттиролмаётганлигидан нолиди. Шунда Шокир ака: «Насиба Нуримова ёмонликка олса, сизни судга бериши мумкин. Воқеа бундай тус олса қонун бўйича ҳам қарзни, ҳам суд харажатларини тўлашга мажбур бўласиз. Бунинг устига судланган деган ном ортирасиз, маҳалла-кўй олдида ишончлигини йўқотасиз. Шу сизга керакми?» – деди. Азимбой ўйланиб қолди, сўнг «Опа кўнса, бирор ой ичида қарзимни бўлиб-бўлиб қайтарардим», деди. Шокир ака Насиба опани кўндиришни ўз бўйнига олди.

Хаш-паш дегунча орадан бир ойча ўтибди. Шокир ака Насиба Нуримованинг эшигидаги қўнғирок тугмасини босар экан, ичини «Ҳозир опа чиқиб, мен сизга ишонган эдим. Азимбой яна алдаб кетди. Ушанда гапингизга кирмай, уни судга берсам, аллақачон қарзимни ундириб олган бўлардим деса-я», деган ўй-хавотир қийнарди. Ичкаридан аёл кишининг «Ҳозир!» деган овози эшитилди. Сўнг эшик очилиб, останада Насиба опа пайдо бўлди. Шокир аканинг димоғига аллақандай пишириқнинг иштахани қитиқловчи ҳиди гуп этиб урилди.

– Ассалому алайкум, Шокир ака, келинг. – Яхшимисиз, синглим? Азимбой сўзининг устидан чиқидими деб сўрагани келувдим.

– Вой, овра бўлиб келиб ўтирмасдан телефонда сўрасангиз ҳам бўларди-ку. Раҳмат сизга, кеча охириги юз мингини бериб кетди.

– Шу гапингизга биттасини топиб берайми? Сизга атаб кўз остимга олиб қўйганларим бор.

– Йўғ-е, қўйинг. Энди уят бўлади.

Ҳазил-хузул билан хонага киришди. Диванга ўтириб ҳол-аҳвол сўрашишди.

– Э, Шокирбой, бир йўқлаб келай деб-сиз-да. Ҳа, барака топинг. Ман ҳозир «жиз-биз» қилиб юбораман, – чол тўрмоқчи бўлди.

– Йўқ-йўқ. Ҳеч нарсага овора бўлманг, – Шокир ака унинг қўлидан ушлаб, тургани кўймади.

– Унда қанд-курс олай...

– Қанд-курсиниям ҳожати йўқ, шундай гурунглашиб ўтирсак бўлди.

– Ҳеч бўлмаса бир чойнак чой дамлай? Шокир ака кулди:

– Ҳа, чой бўлса, майли.

Инспекторнинг ўзи ҳам қарияга эргашиб ошхонага чиқди.

– Амаки, пенсияни вақтида олиб туриб-сизми?

– Ҳа, барака топкур почтачи хотиннинг ўзи уйга олиб келиб беради.

– Етаяптими?

– Ортадиям. Битта ўзимга қанчаём кетарди. Кийим-кечагим етарли. Кечки пайт гоҳ у қўшни, гоҳ бу қўшни овқат чиқартириб юборади.

– Қизингиз ҳам хабар олиб турибдими?

– Ҳа, ҳафтада бир келиб уйни йиғиштириб, кирларимни ювиб беради. Неча марта уйга олиб кетмоқчи бўлди. Ўзим кўнмадим. Ўз уйим – ўлан тўшагим. Урган-ниб қолганман.

Иккови бир пиёла чой устида анча гаплашиб ўтиришди. Чол ёшлигини, йигитлик палласини эслади, кампирини хотирлаб пича кўз ёши ҳам қилиб олди. Қўни-қўшнилар ўртасида бўлиб ўтадиган хангомаларни кулиб-кулиб гапириб берди. Шокир ака гоҳ қўзларидан ёш чиққанча кулиб, гоҳ бошини сарак-сарак қилиб эшитди. Сўнг соатига кўз ташлаб:

– Энди мен бораёй, – деди.

– Яна ўтиринг, десам, ишлик одамсиз. Вақт топиб, мендай бир қарияни йўқлаб келибсиз, кўнглим тоғдек кўтарилди.

– Нега ундоқ дейсиз, амаки? Зерикканингизда ўзингиз ҳам бундоқ ўтиб туринг. Идорамни биласиз. Баъзан бўлар-бўлмасга жанжаллашиб келганлар бўлади. Уларга икки оғиз панд-насихат қилсангиз, менга катта ёрдам берган бўласиз.

Шокир ака қария билан хайр-хўшлашиб кўчага чиққанида қўёш тиккага келиб қолган эди. У МТПдан хабар олгани қадамни тезлатди. «Кейин бирров маъракага ҳам бориб келмасам бўлмайди. Чолниқига келганим яхши бўлди. Ичида анча дарди тўпланган экан. Қари одамга кўп нарса керак эмас. Бир коса иссиқ овқат билан озгина меҳр-эътибор. Бир қошиқ оби ёвгонни қўни-қўшни ҳам беради. Аммо меҳр-эътиборни... Ҳа, унинг қизи билан бир гаплашиб кўришим керак», ҳаёлидан ўтказди инспектор.

Тўшдан кейинги пайт қандайдир баъракасиз бўлади. Шокир ака профилактик ҳисобга олинганларнинг уйларига бир-бир кириб чиққунча кеч бўлди-қолди. Шом пайти яқинда озодликка чиқиб, опасиникида турган Олег Шёкотовдан хабар олгани кирди. Уни «Навойазот» корхонасига ишга жойлаштирганди. Олег ҳали ишдан қайтмаган экан.

– Ҳализамон келиб қолади, – деди опаси, – озгина ўтириб туринг.

– Майли, бошқа сафар яна кирарман. Ўзи қандай, ичмаяптими, ишга вақтида бораёптими?

– Ичмаяпти десам ёлғон бўлару, аммо маст бўлиб тўполон қилгани йўқ. Фақат кечқурун овқат олдида иштаха учун деб эллик грамм ичади. Ишим пича зарарлигини биласиз-ку, опа. Спирт ана шу зарарни қирқади, дейди. Қайдам... Аммо лекин бировга зиёни тегмайди, ҳеч ҳам ишдан қолмайди.

– Унда яхши, – деди Шокир ака хотиржам тортиб.

Инспектор МТПга кириб-чиқиб, тўйхонага келганида ўйин-кулгу авжига чиққан эди. Ўтириши билан Хуршид келиб, кечаси қилиғи учун узр сўраб кетди. «Айтмовдимми ўзи яхши йигит деб», ичида ўзига ўзи деди меҳри товланиб Шокир ака. Шу пайт қўшиқ тугаб, ўртакаш табрик учун унга сўз берди. Шокир ака секин ўрнидан туриб ўртага чиқди. Даврага бир қур назар ташлади. Ҳаммаси кадрдон чехралар. Сўнг келин-қўёвга қараб:

– Икки ёш қўша қариб бахтли бўлишин! – деди. Яна кўп гапларни гапиргиси, «Эй маҳалладошлар, мен ҳаммаларингни, энг ёмонларингизга яхши кўраман», дегиси келди. Аммо йиманди.

Суриштириб келса, Шокир ака асли Навбахор туманилик. Оила аъзолари ўша ёқда истиқомат қилишади. Ўзи эса, мана 12 йилдирки, Навой шаҳридаги Бунёдкор маҳалласида профилактика катта инспектори вазифасида хизмат қилади. Ўтган давр ичида маҳалла аҳли билан кадрдон бўлиб кетди. Ҳафта-ўн кунда бир марта қишлоқдаги уйига борганда ҳам худди нимасинидир йўқотиб қўйгандай безовта бўлиб юради. Бир гал ҳатто хотини «Сиз ўша ёқда биттасини топиб олгансиз, ҳар доим келишингиз билан кетаманга тушасиз», деб бирга эргашиб Навойга келди. Бир кунлик ишини ўз кўзи билан кўриб: «Сизнинг ишонангиз биринчи уйингиз экан-да», деб хотиржам бўлиб кетганди.

Тўйда бир муддат ўтиргач, Шокир ака аста ўрнидан турди. Эркин акага посбонлар билан тўй тарқагунча шу ерда бўлишини тайинлаб, МТПга йўл олди. Хонасига кириб чиққанида кетди. Ўтириб эртага қиладиган ишлари режасини қоралади. Сўнг деразаларни ланг очиб юборди. Ичкарига кишининг танига хуш ёқувчи салқин ҳаво кирди. Унга кун бўйи жазирамада тик оёқда юрганининг чарчоғи энди биллинди. Маҳалланинг нариги чеккасидаги уйига боргани ҳоли келмай, шу ерда ётиб қолди. Қўзи уйкуда бўлса ҳам, анча пайт-гача чигирткаларнинг чириллашию ўтган-қайтганларнинг гўнғир-гўнғир гаплашиши, қадам товўшлари қулоғига чалиниб турди...

Бобомурод ТОШЕВ.

Навой вилояти.

Суратда: Навой шаҳар ИИБ 12-МТП профилактика катта инспектори, майор Ш. Мирзаев Бунёдкор маҳалласи посбонлари сардори Э. Турдиев ва хотин-қизлар комиссияси раиси М. Ҳайитовалар.

НОЖУЯ ИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Рустамни хотинининг жаврашлари уйғотиб юборди.

– Куёш тикка келгунча ҳам ётадим, одам. Оилали, икки болали эркакка ҳеч ўхшамайсиз. Қачон сизга ақл кираркан-а?!

Холниса хонага кириб деразани очиб юборди. Ёзининг тонгги салқин ҳавоси юзига урилди. Чорбоғдаги шиғил мевали дарахтларга қараб кўзлари қувонди. Эрининг устидан чойшабни тортиб олди.

Усти очилиб, қунишиб олган Рустам ўрнидан ирғиб турди. Ҳовлига чиқиб бадантарбия қилгандек бўлиб, ўзича бир-икки сакради. Сўнгра хотини тайёрлаб қўйган муздек сувда ювиниб, тайёр дастурхон бошига келиб ўтирди. Индамай чинни косадаги қаймоқни юмоқ нон билан паққос туширди.

– Кеча хуфтонда тоғам чиққан эди. Кечгача сизни кутди, – деди Холниса нонушта қилаётган эрига иссиқ чой узатиб. – Авзойи бузуқ.

– Нима гап экан? Тинчликми, яна мендан арз-дод қилгандирсан-да?

– Йўқ, нега энди. Тирикчилигимиз ўтиб турибди-ку. Фақат бир жойда ишласангиз дейман-да.

– Э-э... қўлингга пул бериб турибманми, бўлди-да. Яна нима дейсан. Оч-ялангоч қолганинг йўқ-ку?! Жаврашинга бало борми? Холниса тилини тишлади. Овозини бироз паст қилиб:

– Яна Салим гўрсўхта билан улфатчилик қилиб-сизми? Тоғам кўрибди, шунга жаҳллари чиққанми... Олдиларига чиқаркансиз. Тайинлаб кетдилар, – деди.

Тоғаси Мамат ака онасининг катта акаси. Тирикчилик деб, кўча бошида сабзавот дўконини очган. Бағри кенг, саховатли одам. Эри ўлиб тўрт боласи билан бева қолган Рустамнинг онаси – синглисидан ҳамниша хабардор. Рўзгорга кўмаклашиб туради. Жиянларининг вояга етиб, уйли-жойли бўлишига ҳам ўзи бош-қош бўлган. Шунинг учун ҳам оилада Мамат аканинг гапини ҳеч ким икки қилмайди. Лекин Рустам қайсар чиқди. Тоғасининг йулидан юрмади. На ўқиди, на бирор-бир ҳунар ўрганди. Машина тузатадиган уста бўламан, деб шогирд тушди. Лекин бир ой ўтар-ўтмас бунга уқуви йўқлигини айтди. Онасининг қистови билан уйланиб олган йигит анча вақт тоғасининг дўконини тирикчилик қилиб юрди. Мана, тўрт-беш ойди, у ерга ҳам чиқмай қўйган.

Унинг Салим билан топишиб олганига кўп вақт бўлгани йўқ. Оиласидан ҳеч ким уни ёқтирмайди. Ичади, бунинг устига гиёҳванд. Хотини билиб қолиб анча жанжал қилди. “У билан алоқани узасиз” деб қўймади. Қозонга яқин юрсанг қораси юқади, де-

ганларидек, унинг ҳам гиёҳвандликка ружу қўйишидан кўрқарди-да. Тоғаси Салимнинг таърифини эшитгач, иккинчи у билан сени кўрмай, деб тайинлаганди.

Рустам тоғасини кўриб ўтиш баҳонасида кўчага чиқди. Унча узоқ бўлмаган дўконга яёв боришга эриниб, бекат томон бурилди. Уриндиққа энди жойлашиб ўтирган эди ҳамки, олдида «Нексия» келиб тўхтади. Ундан боши бинт билан боғланган, кўзлари қип-қизил, ранги бўзариб кетган Салим тушди.

– Ҳа, жўражон, ёмон-мисан? Кайфинг жойида-ку! – унга пешвоз чиқиб сўрашди Рустам. – Кеча

тутқазди. Ўшанда у қўлидаги нарса нималигини ҳам сўрамаган. Фақат катта пулга эга бўлаётганидан эсанкираб қолган эди. Бу ҳақда устозига айтганда у “Шурикнинг айтганини қил, кам бўлмайсан”, деган. Шу тариқа у Шурикнинг ҳожатини бир неча марта чиқарганди. Лекин кейинчалик бу пулдор йигит кўринмай кетганди.

Рустам уйланиб, оила кўриб, энди тоғаси билан дўконда ишлаётган вақтда Шурик яна пайдо бўлиб қолди. Тоғаси ҳар бир қаламидан огоҳ эмасми, эски таниши билан у кишининг олдида “тиллашиш”га ҳайқиди. Сабзавот дўконидан кетиб, «янги иш» бошлаш-

га кўзи тушиб, ҳайрон қолди. У «дада»лаб ўзига пешвоз чиққан болаларга эътибор бермай ҳовли четидagi катта ўрик тагида гарамлаб қўйилган ўтинлар томон кетди. У ердан ниманидир олиб, ўзини уйга урди.

– Ҳа даласи, тинчликми, жуда тез қайтдингиз? – эрининг телба ҳаракатларидан хавотирланган аёл ўғилчасини кўтариб унинг ортидан уйга кирди.

Аёлнинг кайфияти тушиб, кўнгли гашланди. Ўглини диванга қўйиб, ўзи эрининг ёнига ўтирди. Хаёлидан кеча Мамат аканинг айтган гаплари ўтди.

– Йигит кишининг ҳавасга, кайф-сафога мойил бўлиши бор гап, қизим, – деган-

айюҳаннос солиб, жаврашни бошлаган Холниса чаккасига тушган гарсакидан қотиб қолди. У панжа изи қолган юзини ушлаб, қаҳрли кўзларини эрига қадади. Бу пайтда энди оёқ чиқарган Равшанжон хонтахта устида турган гугуртлардан бирини олиб, ундаги расмларни томоша қилаётганини ҳеч ким сезмади. Гудак уйдаги жанжалдан кўрқиб, чинқираб йиглай бошлади.

– Қанақа мияси айниган хотинсан, нималар деяётганингни биласанми? – деди Рустам дераза оша болаларга қараб қўйиб. У Равшан қўлига олган гугурт кутини пайқамасди. – Мен сен уйлаганчалик наркоман эмасман. Буларни сотиб даромад қиламан. Тушунасанми ўзи?! Зур либослару тилла тақинчоқлар, олаётган жарақ-жарақ пуллар шунинг орқасидан-да.

– Менга бундай пулларнинг кераги йўқ. Ахир бу гуноҳ-ку?! Тарқатаётган, сотаётган гиёҳвандлик моддаларингиз қанчалар қанча одамлар ҳаётини хазон, бахтли турмушини вайрон қилади. Тириклик кушандаси-ку бу!

– Ўчир! Энди сен қолувдинг менга насиҳат қилмаган. Ҳе.. сани... – буралаб сўқинди Рустам хотинининг елкасига яна бир-икки тушириб. Унинг ўтириб қол-

юрагини ушлади. Чорбоғ ёнига қўйилган сўрига аста ўтирди.

Рустамнинг қулогига тоғасининг сўзлари кирмас, хаёли захри қотилни тезроқ мижозга пуллаш эди. У нима бўлса-да пул топсам, ўзим чекмасам, истеъмол қилмасам бўлди-да, бу ҳам пул топишнинг бир йўли-да, деб ўйларди.

– Онамга, оиламга нима ёмонлик қилдим, тоға, – аста гўдранди у.

– Гапирма ҳе.., миянг ачимаган бўлса шундай дейсанми? Ахир сен қилаётган ёмонликнинг касри, касофати бор. Унинг оиланга, яқинларинга уришидан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Ёмонга ёндашган йиқилмай қолмайди, охири бир чуқурга тиқилмай қолмайди, ўғлим! – жиянининг боши хамлигини кўрган тоға бироз юмшади.

Лекин тоға янглишганди. Рустам панд-насиҳатлардан тоқати тоқ бўлгандек соатига қараб, ўрнидан турди. Мамат акага безрайиб:

– Шу насиҳатларингиз ҳам, тергашларингиз ҳам жонга тегди. Мени ўз ҳолимга қўясизми, йўқми? Ахир отам эмассиз-ку?! Менинг ҳам ўз билганимча яшашга ҳаққим бор! – деди.

Жону жигарим деб бор меҳру-муҳаббатини отасиз етим қолган жиянларидан аямаган Мамат ака юрагини гижимлади. Бутун вужуди титраб, ранги оқарди. Шу аснода эшикдан кириб келган Рустамнинг онаси ўтирган жойида йиқилаётган акаси томон югурди. Рустам бунга кўриб турган бўлса-да, пинагини бузмай, онасини туртиб юборганча кўчага отилди.

Ўз нафсига асир бўлган одам инсонийликни қўлдан бой беради. Қолаверса, ёмонликка ёмонликдир мукофот, деган гапда ҳам жон бор. Келишилган вақтда бекатга чиққан Рустам «Нексия»да ўтириб, мижоз билан ҳисоб-китоб қилиб улгурмай, ички ишлар ходимлари тузоғига илинди.

Панжара ортига тушган Рустам кўп ўтмай яна бир ноҳушликдан хабар топиб, дарду дунёси қоронғи бўлди. Ота-онасининг эътиборсизлиги туфайли қўлига тушиб қолган гугурт қутичадаги героинни жажжи Равшанжон татиб кўришга улгурганди. Шифокорлар кучли наркотик моддалардан захарланган норасиданинг ҳаётини сақлаб қолиш учун курашаётгандилар. Юрак хасталиги кучайган Мамат ака ҳам касалхонага тушди. Қилмиши туфайли ширин ҳаётини барбод қилган, яқинларига жабру ситам етказган Рустамнинг ич-этини пушаймонлик кемирарди...

Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.
Бухоро вилояти.

ОҚ ОҒУНИНГ

бир маза қилдик-да.

– Мазани сўрама оғайни. Олдингга куруқ келганим йўқ. Яна битта мижоз топдим. Ана, машинада ўтирибди. Бақувват кўринадди. Шунга қўлдан чиқармайлик. Ўша, зўридан топиб бер. Ўзимда бир “чек” ҳам қолмабди, – Салим Рустамнинг қўлига бир даста пул тутқазди. – Биламан, сенда мен оладигандан бор. Бир соатдан кейин шу ерга қайтиб келамиз. Шунга ярашасини топиб бер.

У машинага ўтириши билан ҳайдовчи газни босди. Рустам машинада ястаниб ўтирган кишига кўз қирини ташлади. «Наҳотки шу одам ҳам гиёҳванд» кўнглидан ўтказди у. Бир нимани сезгандек, юраги гашланди. У тоғасига учрашишни ҳам унутди. Янги «бўюртма»ни олиб келиш учун орқасига қайтди. Уйда хотини ва болаларидан бошқа ҳеч ким йўқлиги у учун айнаи мулдоа эди. Гиёҳвандлик моддалари сотиш билан шуғулланувчи Шурикдан навбатдаги героинни олиб, чорбоғдаги гилоснинг тагида кўмиб қўйганди. Ҳали ундан бир мири ҳам даромад кўрган йўқ. Зора биринчи савдо билан бозори юришиб кетса.

Шурик билан у машина таъмирлаш устахонасига иш ўрганиш учун борганида танишганди. Таъмирдан чиққан машинасини олгани келган қора кўзойнакли, хипча йигит ишга кўнгли бўлмаётган турган Рустамни имлаб чақирди. Қўлига елим халта тутқазиб, уни бир бекат нарида турган кишига олиб бориб беришни илтимос қилди. Бунинг эвазига унинг қўлига мўмай пул



ҚОРА ҚИЛМИШ

га аҳд қилди. Текин даромадга, пулга ўчлиги Шурикка қўл келганди. У Рустамни осонгина йўлига солиб олди.

Эрининг кўчага оғзига талқон солгандек чиқиб кетиши Холнисани ажаблантирмасди. Кейинги пайтда у бунга одатланиб қолганди. Рустам қаерлардадир санғиб, баъзан хуш, баъзан нохуш кайфиятда кириб келар, баъзан чорбоғқа, гоҳида уйга кириб олиб тимирскиланар, хотинига бир сўз демасди. Ишининг тайини бўлмасда, унга гоҳ пул, гоҳ совға тутқазарди. Кўчага чиқиб кетган эркак албатта пул топиб келиши керак, деб билган келинчак Рустамнинг топиши қаердан эканлиги билан қизиқмасди. Лекин уни ҳалол, уйим-жойим дейдиган эркак деб билар ва шунинг учун ҳам ҳурматини жойига кўяр, севарди.

Ҳовли-жойни саранжом-саривта қилган Холниса болаларнинг кийим-кечакларини ювди. Хаёлга берилган жувон дарвозадан шошиб кириб келган эри-

ди у киши. – Бундай пайтда у донишмандлар айтганидек, ақл ёки нафсининг таъсири остида бўлади. Агар ақли ғолиб келса, нажот топади. Нафсга эргашгани эса ҳалокатга учрайди. Эрингиз ё гиёҳванд ёки уларни сотиш билан банд. Бўлмаса оти ўчгур Салим билан яна оғиз-бурун ўпишиб юрмасди.

Холниса хаёлларидан чўчим тушди. Ичида: «Эй, худойим ўзинг асра», деб қўйди. Эрига яқинроқ бориб, хонтахта устида турган гугурт қутиларга кўзи тушди. Биттаси очик бўлиб, Рустам оқ қоғоздаги кукусимон моддани кўздан кечираётган эди. – «Нима қилаяпсиз, булар нима?» дегандек аёл унга қаради.

Рустам оқ қоғоздаги героинни яхшилаб гугурт қутига жойлади ва қоғозини уйганча:

– Ишинг бўлмасин, бор болани бу ердан олиб чиқ! – деди.

– Наҳотки ҳаммаси чин бўлса?! Охири ўша Салим гўрсўхтанинг қармоғига илинбисиз-да. Энди нима қиламан. Ҳе-е.. уйи куйсин ўша гиёҳвандни. Оғу тарқатувчиларни ҳам ер юсин илоҳим, –

ганини кўриб, оёғи билан тепиб юборди. Кейин хонтахта устидаги гугурт қутиларни апил-тапил чунтагига жойлади-да, ҳовлига чиқди. Кўзи унга қаҳр билан қараб турган тоғаси Мамат акага тушди. Унинг важоҳатига дош беролмай, орқага тисарилди.

Келганига анча бўлган тоға жанжалга қулоқ тутиб, ҳамма гапдан огоҳ бўлганди.

– Нега кўзга кўринмайсан, десам гап бу ёқда экан-да. Ҳали сен пул топиб, даромад қиладиган бўлдингми?! Салимни иймонсиз бир палид десам, сен ундан баттар нокас чиқдинг-ку, нонкўр! У фақат ўзининг нафсини қондириш учун наша истеъмол қилса, сен одамларга «оғу» улашиб бой-йимоқчимисан? Ахир сенларни не қийинчиликлар билан вояга етказган онангни, норасида шу икки гўдагингни уйламайсанми? Мамат аканинг ёши ўтган эмасми асабийлашганидан

ПОЙТАХТИМИЗ СПОРТ САРОЙЛАРИ

Бугун Тошкентнинг барча ҳудудларида барпо бўлаётган мажмуалар спорт саройлари деб атаётгани бежиз эмас. Замонавий қиёфага эга бўлган, жаҳон талаблари даражасидаги сифатли жиҳозлар билан таъминланган кенг, ёруғ ва қулай бу кошоналар бугунги кунда ёшларнинг сеvimли масканларига айланди. Спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун етарли шароитларга эга бўлган бу мажмуалар ёшларга хос шижоат, интилувчанлик ва саломатлик муҳитини акс эттирмоқда. Мазкур жараёнга энг малакали мутахассислар жалб этилиб, замонавий технология ва ашёлар қўлланилмоқда.

Пойтахтимиздаги ИИБ «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳам мамлакатимизда болалар спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш борасида салмоқли ҳисса қўшиб келаётган масканлардан биридир. Жаҳон андозаларига мос тарзда қурилган спорт мажмуасида кураш, каратэ, таэквандо заллари, иккита тренажер, очик ва ёпиқ теннис корти, мини-футбол майдончаси, кичик ва катта сузиш ҳавзаси ҳамда футбол стадиони спортчилар ихтиёрида. Айни пайтда бу ерда спортнинг 16 тури бўйича 150 та ўқув гуруҳлари фаолият юритмоқда. Машгулотларни 25 нафар тажрибали мураббийлар олиб боради. Каратэ бўйича 2-ДАН қора белбог соҳиби Дониёр Тош-

мухаммедов, таэквандо ва кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Бахтиёр Исроилов, бокс бўйича спорт устаси Баҳром Шарипов, самбо бўйича катта мураббий Равшан Аҳмеджанов шулар жумласидандир. Уларнинг тарбиясини олиб, камол топаётган ёш спортчилар халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Мамлакатимизда спорт иншоотларини қуриш борасида катта тажриба тўпланган, бошқача айтганда, ягона тизим ташкил этилган. Галдаги асосий вазифа — ана шу иншоотларни замон талаби даражасида жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланишдан иборат. Ислон КАРИМОВ.

Пойтахтимизда бундай спорт саройларини кўплаб келтиришимиз мумкин. 1994 йил Тошкентда «Юнусобод» теннис саройи қурилди, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро мусобақалар ўтказиш аънаанага айланган. Шаҳарда олимпия захиралари билим юрти, «Пахтакор» спорт-машгулот бирлашмаси, «Қибрай» ўқув-машгулот марказлари, енгил атлетика бўйича «Янгиобод» ўқув-машгулот базаси жойлашган. Тошкент гольф клуби, «Универсал», «Ўзбекистон», «Пахтакор» марказий стадиони, Тошкент отчопари, Тошкент транспорт муҳандислари институти ҳамда Тошкент тиббиёт академияси спорт мажмуаси, Митрофанов номидаги сув спорти саройи, «Чигатой» ҳамда «Истиқлол» болалар

спорт-соғломлаштириш мажмуаси ва бошқалар халқаро спорт талабларига жавоб берадиган спорт иншоотларидир. Айриш жоизки, пойтахтимиз кўплаб нуфузли халқаро спорт мусобақаларига мезбонлик қилиб келмоқда. 1995 йил сентябрда биринчи Марказий Осиё ўйинлари, 1998 йил ноябрь ойида «Сув париси» синхрон сузиш бўйича 1-халқаро турнир, 1999 йил июнида «Tashkent оrep» хотин-қизлар турнири бўлиб ўтди. Янги қиёфа касб этган «Пахтакор» марказий стадиони қайта таъмирдан чиқарилди. Эндиликда бу маҳабатли ўйингоҳ

ўттиз беш минг футбол мухлисини ўз бағрига сиғдира олади. Ўзбек футболнинг нуфузини оширишга катта ҳисса қўшаётган амалдаги мамлакат чемпиони «Бунёдкор» жамоасининг парвози таҳсинга лойиқдир. Ҳозирда ушбу клубда дунёга машҳур футбол мутахассислари мураббийлик қилмоқда. Чилонзор туманида мазкур клуб учун барпо этилаётган жаҳон андозаларига мос, замонавий стадион пойтахтимиз ҳуснига-ҳусн қўшиши шубҳасиз.

Ҳозирда пойтахтимизда 2148 спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, шундан 608 та спорт зали, 43 та сузиш ҳавзаси, 15 стадион, 1468 та спорт майдончалари, битта отчопар майдони, 10 та ўқ отиш тири фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Тошкентдаги 47 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 18375 нафар ёш спортчилар таълим олишмоқда. Шаҳардаги эллик икки спорт тури бўйича 41 та федерациялар фаолият юритмоқда.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Поста» мухбири.

ҒОЛИБ ЖАМОА

Хоразм вилояти ички ишлар идоралари жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.

Мусобақа очилишида вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Баҳодир Раҳимов сўзга чиқиб, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг ўрни ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигига тўхталиб ўтди.

Мусобақада ички ишлар идораларининг 19 та жамоаси 4 гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро баҳс олиб боришди. Гуруҳ беллашувларида вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят ИИБ махсус отряди,

тергов ҳибхонаси ҳамда Хонқа тумани ИИБ жамоалари фаол иштирок этиб, финал босқичига йўлланма олишди.

Мурасасиз тарзда ўтган беллашувда вилоят ИИБ жамоаси биринчи, вилоят ИИБ махсус отряди жамоаси иккинчи, Хонқа тумани ИИБ ҳамда тергов ҳибхонаси жамоалари эса учинчи ўринларга сазовор бўлишди.

Ғолибларга вилоят «Динамо» ЖТСЖнинг қимматбаҳо совғалари ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Поста» мухбири.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ ВАКИЛЛАРИМИЗДА

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида пенчак-силат бўйича биринчи мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ва вилоятлардан келган икки юз нафардан ортиқ йигит-қизлар ўзаро беллашдилар.

Пенчак-силат спорт турининг ватани Индонезия. У Ҳиндистон, Хитой ва Япония жанг санъати усулларининг бирикмасидан иборат. Пенчак-силат қоидаларида бошга зарба бериш тақиқлангани, тана қисми махсус ҳимоя воситаси билан муҳофаза қилиниши, спортчининг жароҳат олиш эҳтимоли камлиги билан эътиборлидир.

Муҳташам спорт саройида кечган беллашувлар қизиқарли тус олди. Таъкидлаш жоизки, мазкур беллашувларда республика

ИИБ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатларини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальони ходимлари муваффақиятли иштирок этишди. Қизқарли кечган баҳсларда батальон 6-отряди ходими, кичик сержант Ҳасан Илибоев (65 кг.), ички ишлар идораларига номзод Раҳматилла Абдуҳакимов (85 кг.), 6-отряд ЙПХ ходими, катта сержант Аваз Қурбонов (90 кг.), 2-отряддан сафдор Аскар Топилов (+90) барча рақибларини енгиб,

шоҳсупанинг энг юқори погонасини банд этишди. Шунингдек, сафдорлар — Азимжон Якубов, Дилшод Ақромов, Марат Алимбетов, Бегзод Шоназаров, Жаҳонгир Турдиқулов, Эркин Хайматов, Адхам Розиков, Сайфуддин Бузаев, кичик сержантлар Абдумалик Шукуров, Бегали Махамбетов, катта сержант Бекмурод Новчаевлар ўз вазн тоифаларида совриндорлар сафидан жой олишди.

Умумжамоа ҳисобида пойтахтлик спортчилар биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Самарқанд ва Хоразм вилояти спортчиларига насиб этди.

Ф. АЗИЗОВ.



Суратда: батальоннинг ғолиб спортчи ходимлари. Адхам ҚўЗИБОЕВ олган сурат.

СУРАТ БИЗДАН, ИЗОҲ СИЗДАН

«ҚАНИ, БИР ҚАДАМ ТАШЛА!»



Газетамизнинг 31-сонида берилган ҳазил-сурат мунитарийларимиз ижодини «қитиқлаган» кўринади, бир-бирдан ажойиб шеърӣ ва насрий кўринишда изохлар йўллашибди. Уларнинг ҳар бирида «қоса тагида нимқоса» деганларидек жиндак бўлса-да,

ҳазил-мутойиба сезилиб турибди. Марҳамат, навбатдаги изохлар билан танишинг.

Ашаддий ишқибозимиз хоразмлик Р. Қурбонбоев бу гал ҳам бир талай изохлар гулдастаси билан иштирок этган:

*Ойишжон кучукчаларни,
Уйга олиб кетамиз,
Уларни ўзимизга,
Зўр пойлоқчи этамиз.*

*Бизни ёш дўстимизни,
Олиб кетманг холажон,
Биз билан уйнаб-қулиб,
Қола-қолсин болажон!*

Навой вилояти Учқудуқ тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, капитан Ш. Эрмамамовнинг изохӣ ўзига хос:

*Билдики аҳвол оғир,
Бунга кучи етмайди,
Ноилож уйин керак,
Гўдак инкор этмайди.*

Қуйичирчиқ тумани ИИБ канцелярия бошлиғи, сафдор Д. Абдуҷабборова кучукчалар тилидан бундай дебди:

*Ёрдамлашай туришингга,
Кечки таом бор бу ерда,
Учта суяк, битта нон,
Беркитганмиз учовлон.*

Тўрткўл туманидан А. Матёкубов кучукчалар сўзидан «Қани, бир, икки кўтардик», Самарқанд вилояти Иштихон туманидан Н. Турдиев «Той бола, ҳой той бола, қани бир қадам ташла», сирдарёлик Н. Одилов «Ҳаракат қилсанг-чи, болакай, оғирлигингни бизга ташламан» дея изох йўллашибди.

Шунингдек, Бекобод шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинимаси милиционери, сафдор Ш. Қўшматов, янгийўлик И. Турғунов ва Э. Илғорзода, тошкентлик А. Назаровларга ёзиб юборган изохлари учун миннатдорлик билдирамиз.

ПОЙТАХТ СПОРТИ ТАРИХИГА НАЗАР

1895 йил – Тошкентда ҳаваскор велосипедчилар жамияти тузилди.

1900 йил – Велосипед спорти ҳаваскорлари ва профессионал велосипедчилар мусобақаларини ўтказиш учун Тошкентда қурилган майдонда пойга ташкил этилди.

1905 йил – Тошкентда болалар ўртасида югуриш, сакраш, копток ирғитиш каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилди.

1908 йил – Тошкент циркида таниқли курашчи ва маҳаллий полвонлар иштирокида французча кураш (ҳозирги юнон-рум кураши) бўйича чемпионат ўтказилди.

1910 йил Тошкентдаги ҳарбийлар марказий биносида гимнастика, қиличбозлик мактаби очилди. Тошкент ҳарбий округ штаби босмаҳонаси матбаачилари томонидан ишчиларнинг дастлабки спорт тўғарақлари ташкил этилди.

1915 йил – Тошкентда гимнастика ўқитувчилари курси очилди. Сув спорти билан шуғулланувчилар учун илк сунъий ҳавзалар барпо этилди.

1924 йил – Тошкентда «Динамо» спорт жамияти тузилди.

1924–1926 йиллар – Тошкентда «Пишчевик», «Спартак» стадионлари фойдаланишга топширилди.

1934 йил – Тошкентда Ўрта Осиё республикалари спартакиада мусобақалари ўтказила бошланди.

Ёз охираб бормоқда. Супада ўтирган эр-хотин нималарнидир узоқ маслаҳатлашди. Аслида улар маслаҳатлашаётган нарса анча илгари кўтарилган, айнан бугун, мана шу соатда мантикий нихоясига етаётганиди.

Ховлининг бир бурчагида велосипедни тузатаётган Баҳром отасининг чақирганини эшитмади.

– Бу бола одам бўлмайди шекилли, – жаҳли чиқди отанинг.

– Ҳали ёш бола-ку, қўяверинг. Ўзим бафуржа гаплашман, – деди меҳр тўла кўзларини ўғлига қадаркан ён босиб онаси.

– Баҳром, ў-ўв Баҳром! – овозини кўтарди Исмаи.

– Лаббай, дадажон.

– Қани ёнимга кел-чи!

Баҳром қорамой кўлларини артаркан, супада ўтирган отасининг ёнига чопиб келди.

– Мен ишлагани узоқларга кетяпман. Унинг эркаги сенсан. Каллангни жойига қўйиб, йўқлигимни билдирмай ўтирсанг, велосипеднинг зўридан олиб келман. У ёк, бу ёгинга қараб иш қил! Уйдагиларни ёлғиз қолдирма. Уртоқларинг билан ҳадеб кўча чангитавермай, онанг, синглининг оғирини энгил қилиб ўтирсанг компьютер ҳам мендан. Уқдингми?!

– Хўб бўлади, дадажон! Айтганларингизни аъло даражада бажараман, – деди Баҳром кўзлари қувончдан порлаб.

Исмаи яна анча вақт ўғлига насиҳат қиларкан, зиммасига боланинг кучи етиб-етмайдиган бир талай топшириқларни юклашни ҳам унутмади. Велосипед ва компьютернинг дарагини эшитган Баҳром эса отасининг гапларини ҳар қачонгидан ҳам диққат билан эшитди.

Тонгда дадаси йўлга отланди. Онаси, Баҳром, синглиси Ирода яхши умидлар, ширин антикишлар билан уни кузатиб қолишди.

Исмаи иккинчи ойдан бошлаб оз-моздан пул жўната бошлади. Гарчи юбораётган пуллари унчалик кўп бўлмаса-да, ҳар ҳолда Баҳром ва синглиси ойма-ой майда-чуйдаларга ишлашарди. Бу эса болаларга оламолам қувонч ва шодлик бахш этарди. Айниқса, Баҳром отаси тайинлаганидек, қўлидан келганча онасига, синглисига суянч бўлишга, авваллари қилмаган унча-мунча ишларни ҳам бажаришга жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. Кундузлари ўқиш, рўзғор ишларидан бўшамас, кечалари эса фикру зикри янги яриқараб турган велосипедда эди.

– Сен дадангнинг айтганларини қилавер, ҳадемай келиб қолади. – Сенга велосипеднинг энг яхшисини олиб келаркан, – дерди ойиси ҳар гал уни умидвор қилиб. Баҳромнинг орзиқишлари арзимаган майда-чуйда бадалига хотима топарди.

Ўша кунни Баҳром дарсларини тайёрлаб, қўйларга сув берди, томорқа эгатларидаги ўтларни юлиб, охурга солди. Бироқ рўзғор ҳаракатлари уни жуда чарчатган эмасми, китоб-дафтарларига бошини қўйиб ухлаб қолди.

Ғунғир-ғунғир овоздан уйғониб кетган Баҳром сергақланди. Эркак кишининг овозини эшитиб “дадам қайтибди” дея қувониб кетди. Шодлигидан дик этиб ўрнидан тураркан, югуриб чиқаётганида хонтахтага туртиниб йиқилди. Қувончи юрагидан дарёдай тошаётган йигитча оғриқни ҳам сезмади. У кўзлари порлаб эшикни очаркан, “дада” деб кучоғига отилишга бир баҳя қолди. Рўпарасида бегона эркак турарди. У кўзларига ишонмади. Уйқусираган кўзларини катта-катта очаркан, унга бақрайиб қараб турган ярим яланғоч, нотаниш бир эркакни ва ўзини яширишга уринаётган она-

Кўешнинг ўткир тиглари болани кўз очишга мажбур қилди. У очикқан, ҳолдан тойган эди. Дабдурустан қаерга келиб қолганини англай олмади. Юрагига ваҳима тушди. Воқеаларни бирмабир эсларкан ўз-ўзидан кўзларига ёш қуйилиб келаверди. Ўтириб аччиқ-аччиқ йиғлади. Бу нимаси ахир?! Нега онам бегона эркакни уйга олиб келади? Нима учун уни меҳмон қилиб, хириглашиб ўти-

Бу нимаси ахир?! Нега онам бегона эркакни уйга олиб келади? Нима учун уни меҳмон қилиб, хириглашиб ўтирибди? Нега?!

рибди? Нега?! Ахир отам уйни, онаси ва синглисини унга ишониб топшириб кетмаганмиди! Ким-у? Онаси-чи?! У онасининг ўша пайтдаги ҳолатини кўз олдига келтираркан, қалбида қандайдир чексиз, жиловсиз нафрат ҳиссини туйди. Бу туйғу биргина онасига эмас, балки бутун аёлларга дахлдордек эди назарида. Унинг миттигина, бокира юраги бошқа туйғуни кашф этишга қодир эмасди шу онда.

Ҳаёт сўқмоқларида

ЯРИМ БАХТ



Осимхон ВОСИХОНОВ чизган расм.

Баҳром аста тураркан, уст-бошини қоқиб йўлга тушди. Қаёққа боришини билмас, фақат уйга қайтмаса бўлгани эди. У йўл четига ариқдан чанкоғини қондирди. Сув қорнини ш и ш и р д и, аммо тўйдирмади. Шунга қарамай у кетаверди. Олисан мол ўтлаб юрганлари кўринди. У адашиб қолмаслик учун йўл бўйлаб кетарди. Йўл четига молларни қоқиб, ўйнаб ўтирган болалар узоқдан бегона болани кўриб сергақланди. Йўқ, у бу ернинг боласи эмас. Эҳтимол қўшни қишлоқдандир. Ҳозир аниқлаймиз, дея силласи қуриб, аранг гавдасини кўтариб келаётган Баҳромга пешвоз чиқибди. Баҳром уларни кўрди-ю юраги “шиғ” этиб кетди. Аммо орқага қайтиш ҳам мумкин эмасди. У қадамни секинлатди, шунга қарамай бир зумда молбоқарларнинг олдига пайдо бўлди. Болаларни кўрмаганга олиб ўтиб кетишни хаёл қилди. Бироқ улар атайлаб унинг йўлини кесиб чиқибди.

сини кўриб донг қотди. Хонтахта устида шишалар, егуликлар тартибсиз ётар, аммо йигитчанинг кўзлари буларни кўрмас, кўз олдига онасининг бир нималарни устига тартаётгани. Ҳатто ўз отасини бундай алфозда кўрмаган Баҳром эсанкираганча дам бегона эркакка, дам онасига қарар, бирор нима ўйлашга қодир эмасди шу тобда. Орадан жуда кўп вақт ўтгандек, у эса ҳамон ҳиссиз, кўзларини дам эркакка, дам аёлга қаратарди. Қандайдир куч Баҳромни югуриб чиқиб кетишга мажбур қилди.

– Баҳром, Баҳ-ро-ом, тўхта...

У тун қоронғилигини ёриб югуриб кетаверди, кетаверди...

– Йўл бўлсин, йигитча!

– ... Нима соқовмисан, ё бизларни менсимаяпсизми? Ҳой, болалар, у ростданам соқовга ўхшайди.

Болаларнинг буйдорроғи унинг елкасидан тутиб силкиди. Баҳром узатилган қўлни елкасидан олиб ташламоқчи эди, орқасида тургани чалиб йиқитди-да дўппослай кетди. Баҳром кучи етганча ўзини ҳимоя қилишга уринар, аммо тўрттасига бас келишнинг ўзи бўлмасди. Унинг кўз олди қоронғилаша бошлади. Кўзлари юмиларкан узоқдан чопиб келаётган дадасини кўрди. Дадаси улгурармикан? Улгурармикан-а?! У бироздан сўнг дадаси қаерга етиб келганини кўрмоқчи бўлиб кўзини очишга ҳаракат қилди. Бироқ очолмади. “Дада, да-да-а-а...”

– Ҳой, болалар, нима қиляпсизлар?! Қани тўхтагилар-чи! Бу қандай номардлик. Тўртта бўлиб биттага ёпишишни ким ўргатган сенларга? Ота-оналаринг борми?! Ҳе сенларни...

Болалар ёши катта одамнинг салобатиданми ёки ўз қилмишларидан қўрқибми тумтарақай қочишди. Эркак оғзи-бурнидан қон кетаётган, силласи қуриган Баҳромни кўриб:

– Эргаш, ҳой Эргаш! Тезда бу ёққа қаравор! – деди бақириб. Югуриб келган киши бирров кўз югуртирганча тезда ортига қайтди-да идишда сув келтириб, Баҳромнинг қонларини юва бошлади. Чўнтагидан дастрўмол чиқариб артди.

– Машинага олиб чик! Кейин кўрармиз, – деди ёши каттароғи.

Баҳром кўзини очганда оппоқ чойшаблар солинган тўшақда ётар, олдига идишларда турли мева ва шарбатлар қўйилган, чойнақда чой ҳам турарди. Болаканинг ҳамма ёғи қақшарди. Оғриқдан инграркан олдига отаси келаётганини элас-элас эслади. Ҳа, уни отаси қутқарган. Аммо қани ҳозир?! Йўқ, бу ерда отаси йўқ. Қорни жуда очикқан Баҳром бегона жойдалиги, нарсаларга қўл узатиши ёки узатмаслигини ҳам билмай турганида эшикда бир киши кўринди.

– Ҳўш қаҳрамон, тузукмисан? Отинг нима?

– Баҳром, – деди у аранг.

– Менга қаранг Баҳромтой, уялмай мана бу нарсалардан еб олинг. Сиз тезроқ соғайиб, оёққа туришингиз керак. Бошқа гапларни кейин гаплашамиз, хўпми, – деди-да бақувват, катта қўллари билан боланинг сочларини мулоим силаганча чиқиб кетди. Гарчи кап-катта одамнинг “ака” деб сизлаб муомала қилиши ғалати туюлса-да, болаканинг юрагига кўрқув, ҳадик ёки эҳтиёткорлик ҳисси мутлақо бегона эди. Унинг кўзларига ёш келди. Отаси шундай силарди. Отасининг қўллари ҳам мана шундай катта-катта, бақувват эди. Соғайиб кетса, катта бўлса, албатта, дадасини топади. Шу топ онаси эсига тушди-ю, таъби тирриқ бўлди. Дадасига нима дейди? Нега уйдан чиқиб кетганини қандай айтади? У шуларни ўйларкан гамгин тортиди.

(Давоми бор).

Мухаббат ИБРАГИМОВА.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолган қуйидаги шахслар қидирилмоқда.

Отабек Худойкулович Байалиев. 1992 йилда туғилган. Сирдарё шаҳар Дусматов кўчаси, 6-уйда яшаган. 2009 йилнинг 28 июнь кунини уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 170-175 см, сочи қора, кўзлари, қошлари қора.

Кийимлари: қора футболка, трико ва шиппака бўлган.

Дилшода Абдуалиева Қўзиева. 1977 йилда туғилган. Сирдарё шаҳар А.Қодирий кўчаси, 91-уйда яшаган. 2009 йилнинг 2 июль кунини уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 168-172 см, сочи қора, кўзлари, қошлари қора.

Кийимлари: қора энги калта қуйлак, қора туфлида бўлган.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Сирдарё тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Қашқадарё вилояти ИИБ томонидан 1982 йилда туғилган. Қарши шаҳар А.Темур кўчаси, 33-уй, 8-хонадонда яшаган **Зилола Собирова** бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У 2009 йилнинг 29 март кунини уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 150-155 см, сочи, кўзлари қора, қошлари қалин, ёйсимон.

Алоҳида белгиси: унг оёгининг сон қисмида 10 см.ли чандиғи бор.

З. Собировани кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Қашқадарё вилояти ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Самарқанд вилояти ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идоралардан қочиб юрган қуйидаги шахслар қидирилмоқда.

Джамил Насимович Абдуллаев. 1958 йилда туғилган. Самарқанд тумани Ангоролмос қишлоғида яшаган.



Белгилари: бўйи 175-180 см, сочи, кўзлари, қошлари қора.

Мухтор Байбеков. 1959 йилда туғилган. Пастдарғом тумани Иттифоқ қишлоғида яшаган.



Белгилари: бўйи 170-175 см, сочи, кўзлари, қошлари қора.

Хесен Разакович Каримов. 1978 йилда туғилган. Самарқанд тумани Роветан кўчаси, 20-уйда яшаган.



Белгилари: бўйи 170-175 см, сочи, кўзлари, қошлари қора.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Самарқанд вилояти ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририятининг Қорақалпоғистондаги ўз муҳбири Дурдубой Худойшукуровга падари бузруквор
ЖУМАНИЁЗ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририят раҳбарияти ва жамоаси таҳририятнинг Қорақалпоғистондаги ўз муҳбири Дурдубой Худойшукуровга падари бузруквор
ЖУМАНИЁЗ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор Турдимурод Пардаевга отаси
ХОЛИЁР бобонинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бошқарма назорат ва тафтиш инспекцияси катта тафтишчиси, майор Раҳматилла Аметовга падари бузруквор
МАМУТ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Пахтакор тумани ИИБ профикатика инспектори, лейтенант
Раҳим ЭРГАШЕВИНнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

РАМАЗОН — ЭЗГУЛИКЛАРГА КОН

Мусулмон оламида энг улуг ва фази-латларга бой Рамазон ойи бошланди. Бу муборак ойда рӯза тутиб, ислом асосларидан бири ҳисобланган фарз амалларини бажарган кишилар Аллоҳнинг ажр савобидан баҳраманд бўладилар. Рӯза тутишнинг афзал томонлари кўп. Пайгамбаримиз (с.а.в.) «Хар бир нарсанинг закоти, яъни тозаловчиси бўлади. Жасад (тана)нинг закоти рӯзадор ва рӯза сабрнинг ярмидир» деганлар. Рӯза тутиш билан биринчидан, инсон организми зарарли микроблар, ҳужайралардан тозаланади. Биз ўзимиз билмаган ҳолда организмда турли ёғлар, гижжалар, зарарли микроб ва ҳужайраларнинг пайдо бўлишига йўл қўямиз. Рӯза тутиш билан киши ўзини оч қолдиради. Очлик пайтида ички аъзоларимизда йғилиб қолган микроблар ва зарарланган ёғлар эриб, танамизга сўрилиб кетади. Бу билан танамиздаги ортиқча ёғлар, зарарли микроблар йўқолади. Бу эса саломатлигимиз учун жуда муҳимдир. Буни тиббиёт олимлари ҳам амалда кўп исботлаб, айрим касалликларни очлик билан даволашни йўлга қўйишган.



Иккинчидан, рӯза тутган кишининг руҳи ва ахлоқи ҳам покланади. Нафсни жиловлаш билан инсон турли касалликлардан қутулиши мумкин. Айнан рӯза кунлари танани очликда сақлаган инсон нафсини жиловлашга қодир бўлади. Руҳни поклаш деганда эса инсоннинг турли хил гийбат, миш-миш ва бекорчи гаплардан халос бўлиши тушунилади. Рамазон ойда рӯзадор инсон асосий эътиборни ибодатга қаратиб, турли хил беъманигарчиликлардан ўзини четга олади. Ёлгон гапириш, бировни ёмонлаш, гийбат қилиш, жанжаллашиш ва бошқа салбий хислатлардан сақланади. Ахлоқий жиҳатдан ҳам тозаланиш рамазон ойининг талабларидан биридир. Катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиш, ширинсўз, хушмуомалалик, саховат, меҳр-муҳаббатли бўлиш, бемор ва кексаларни зиёрат қилиш каби инсонга хос ва мос амаллар рӯзадорни яна да самимий инсон бўлишида муҳим ўрин тутати.

Сабр-қаноатли бўлиш инсоннинг энг яхши фазилятларидан биридир. Рӯза тутган киши нафақат ейиш-ичишдан ўзини тияди, шунингдек, турли ёмон ишлардан ҳам сақланади. Бу машаққатга чидаб, сабр-қаноатли бўлиб, очлик ва чанқоқлик қийинчиликларига бардош бера олган кишининг ибодати қабул бўлади ва гуноҳлардан фориғ этилади.

Рамазон ойи рӯзасини тутиб, Аллоҳнинг ажру савобларига эришиш ҳар биримизга насиб этсин.

ТАҚВИМ

Рамазон	Август-сентябрь	Хафта кунлари	Сахарлик тугаши	Ифтор вақти	Эс-латма
1	22	Шанба	4:09	19:12	
2	23	Якшанба	4:10	19:10	
3	24	Душанба	4:11	19:09	
4	25	Сешанба	4:12	19:07	
5	26	Чоршанба	4:13	19:06	
6	27	Пайшанба	4:14	19:04	
7	28	Жума	4:15	19:03	
8	29	Шанба	4:16	19:01	
9	30	Якшанба	4:17	18:59	
10	31	Душанба	4:18	18:58	
11	1	Сешанба	4:19	18:56	
12	2	Чоршанба	4:20	18:54	
13	3	Пайшанба	4:21	18:53	
14	4	Жума	4:22	18:51	
15	5	Шанба	4:23	18:49	
16	6	Якшанба	4:24	18:48	
17	7	Душанба	4:25	18:46	
18	8	Сешанба	4:26	18:44	
19	9	Чоршанба	4:27	18:43	
20	10	Пайшанба	4:28	18:41	
21	11	Жума	4:29	18:39	
22	12	Шанба	4:30	18:38	
23	13	Якшанба	4:31	18:36	
24	14	Душанба	4:32	18:34	
25	15	Сешанба	4:33	18:32	
26	16	Чоршанба	4:34	18:31	
27	17	Пайшанба	4:35	18:29	
28	18	Жума	4:36	18:27	
29	19	Шанба	4:37	18:26	
30	20	Якшанба	4:38	18:24	

Аввал: Андижон – 12, Қўқон – 7, Жалолобод – 15, Наманган – 10, Фарғона – 10, Ўш – 14, Хўжанд – 6, Чимкент – 1.

Кейин: Самарқанд – 9, Бухоро – 21, Денов – 7, Навоий – 19, Хива – 35, Нукус – 42, Шаҳрисабз – 10, Қарши – 11.

Эслатма: Рўзанинг бошланиши ой кўринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин.

РҶЗА ТУТИШ (ОФИЗ ЁПИШ) НИЯТИ

Навайту ан асума совма шаҳри Рамазона минал фаҳри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала, Аллоҳу акбар.

Таржимаси: Аллоҳ таоло учун Рамазон ойининг рўзасини субҳидан кун ботгунча тутмоқликни холисона ният қилдим, Аллоҳу акбар.

ИФТОРЛИК (ОФИЗ ОЧИШ) НИЯТИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризқиқа афтарту, фағфирлий ма қаддамту ва ма аххорту бироҳматика йа арҳамар роҳимин, Аллоҳу акбар.

Таржимаси: Эй бор Худоё, ушбу рўзани фақат сен учун тутдим ва сенга имон келтирдим ва сенга таваккул қилдим ва сенинг берган ризқинг билан ифтор қилдим, эй гуноҳларни авф қилувчи Аллоҳ, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгин ва ярлақайил.

ФОСИҚНИНГ ТАВБАСИ

У ишдан бўшади, тўғрироғи бўшади. Бир зумда ёнидаги содиқ одамлардан ҳеч ким қолмади. «Бизнинг бахтимизга дунё тургунча туринг» деб, оғзига сигарета олса олов ёқувчилар, ароқ ичса газак тутувчилар, кўча-кўйда виқор билан юрса икки букилиб салом берувчилар, қаерга бора махсус жойларга ўтказувчилар, қўлидан бир нарсаси тушиб кетса талашиб олиб берувчилар, оғзидан нима гап чиқса «сизники маъқул» дегувчилар, «дунёда энг ақлсиз, энг олижаноб-сиз, сиз бўлмасангиз ишхонада ишлар юришмайди» дегувчи лаганбардор ҳамкасбларидан биронтаси йўқ.

Тазарру

У ўлди, кўмилди. Мункар-накир томонидан савол-жавоб қилиниб, кўз олдидан фоний дунёда билиб-билмай қилган барча гуноҳлари ўтказилди. Биронтасини инкор қилолмади. Онда-сонда қилган савоб ишлари гуноҳлари олдидан денгиздан томчи бўлиб қолди. Чуқур хўрсинди, у ёқ, бу ёққа аланглади. Олдидан икки йўл – бири раво, ёруғ, иккинчиси қоронғу. У йўл бошида бир оз туриб қолди. Нариги йўлга назар ташлади, юраги орзиқиб кетди. Шу йўлга тушмоқчи бўлиб интилди. Тарки одат амри маҳол деганларидек, ҳар эҳтимолга қарши чўнтагини пайпаслаб қўрди. Тикиб ташланибди, ноилож. Бир тўда одамлар билан кўринмас куч уни ҳам қоронғи йўлга суриб

қўйди. Дузаҳ китобларда тасвирланганидан ҳам даҳшатли, жудаям кўрқинчли эди. Ваҳимали, хунук овозлар эшитилади. Атрофига назар ташлади, ҳаммаси ўзининг аҳволидаги одамлар. Айрим танишларини ҳам кўрди. Биров билан бировнинг иши йўқ. Аёл-эркак аралаш, ҳамманинг кўзи қўрқанидан пешонасига битиб қолган.

Ниҳоят катта дарвоза кўринди. Тўда-тўда одамлар ўша дарвозадан киритилмоқда, уларнинг кўрқинчли овозлари, дод-войлари. Бир маҳал унга ҳам навбат келди. Дарвозанинг ичига кўзи тушди, нарёғи олов ёниб турган чуқурлик. Танаси ўзига бўйсунмай қолди. Дагда-даг титрайди. Орқага қочишга ҳаракат қилади, лекин илож йўқ. Ўзини ҳар томонга урди, бақирди-чақирди бўлмади. Ниҳоят оловли чуқурликка ташланди.

Шундай қаттиқ чинқирдики, ўзининг овозидан ўзи чўчиб уйғониб кетди. Терга пишиб, қарахт бўлиб қанча ўтирганини билмади. Ҳуши ўзига келганда ёнида йиғлаб ўтирган хотинига кўзи тушди. «Хайрият, туш экан» унинг хаёлидан ўтди. Аммо бутун танаси ҳалиям кўрқувдан қалтирарди.

Дилига анчадан буён эсидан чиқиб кетган: «Тавба қилдим! Тавба қилдим! Гуноҳларимни кечиргин!» деган сўзлар келди, лекин бу сўзларни тилига чиқаришга мадори етмади...

А. ЙҶЛЯХШИЕВ.

Бир овчи хонга оққуш овлаб совға қилмоқчи бўлибди. Кўл бўйига бориб, милтигини ўқлаб пайт пойлай бошлабди. Бир маҳал еттита оққуш учиб келибди. Овчи улар осмонга кўтарилиб, бир қаторга тизилишганида битта ўқ билан ҳаммасини отишга қарор қилибди. Аммо бундан беҳабар бошқа бир овчи шартта битта оққушни отиб, хонга ҳадя қилибди. Иккинчи овчи ҳам хоннинг ҳузурига келиб:

– Эй, шавкатли хон! Мен кўл бўйида еттита оққушнинг кўкка парвоз қилишини кутиб ётгандим. Ниҳоят улар осмонга кўтарилиб, бир қаторга тизилишганида бир-варакайига ҳаммасини отиб, сизга тортиқ қилиш эди. Ердан чиқдим, осмондан тушдим – мана бу овчи режамни барбод қилди. У битта оққушни отди, қолганлари учиб кетишди. Эй, адолатпарвар хон, айбдор овчи менга етти оққушнинг ҳақини тўлаши бўйича ҳукм чиқаришингизни сўрайман, – дебди.

Хоннинг боши қотиб қолибди, сўнг даъвогарга:

– Авваламбор, еттита оққушни бир ўқ билан ўлдира билармидинг – йўқми номаълум. Қолаверса, бу овчи сендан олдинроқ келди. Бунинг устига, сенга ўхшаб куруқ кўл билан эмас, оққуш кўтариб келди. Шунинг учун икковларинг ораларингда қозилик қилишни хохламайман, – деб жавоб берибди.

Шу хонлик ҳудудида бир чорвадор бой яшарди. Унинг отбоқарлари йилқиларини суғориш учун дарё томон ҳайдашганида, ҳамма чорвадорлар бошқа ёққа кўчиб, йўлни бўшади. Бир куни бир камбағалнинг оғироёқ хотинини дард тутаетганлиги сабабли ўтовда қолишибди. Йилки

ўтаётганида, унинг дупур-дупури таъсирида янги туғилган чақалоқ ўлиб қолибди. Эртаси куни камбағал хонга арз қилиб борибди.

– Эй, одил хон! Кеча чорвадор бойнинг йилқиси шовқин-сурон солиб дарё томон ўтаётганида отларнинг дупуридан янги туғилган фарзандим ёруғ

Ривоят

ДОНО БОЛА

дунёдан кўз юмди. Шунинг учун айбдорни жазолашингизни сўрайман, – дебди.

– Агар отлар ўтовингни босиб кетишмаган бўлса, ўрталарингда қозилик қилолмайман, – дебди хон.

Шундай қилиб бу даъво иши ҳам ҳал қилинмай қолибди. Бир аёл хоннинг болаларига энағалик қиларкан. Унинг ўғли хонзодалар билан ўйнарган. У доно, топқир бўлгани учун хоннинг болалари ўртасида келиб чиқадиган турли низоларни ҳал қиларкан. Кунларнинг бирида улар яйловда ўйнаб юришганида қорнилари роса очибди. Ҳалиги бола:

– Келинлар, бир бузоқни сўйиб, гўштини пишириб еймиз, – дебди. Бу таклиф ҳамма болага маъқул тушибди.

Кечкурун пода кўрага қайтгач, бир бузоқнинг камлиги аён бўлибди. Хонзодалар бўлган воқеани айтиб беришибди. Бундан хабар топган хон болани жазола-

моқчи бўлибди. Шунда она шўрлик:

– Эй, хон ҳазратлари! Ўғлимга раҳмингиз келсин, у оддий бола эмас, – дебди.

Бу гапни эшитиб, хон болага қараб:

– Мен иккита даъво ишини ҳал қила олмадим. Агар уларни оқилона, адолатли ҳал этсанг, гуноҳингдан ўтаман, – дебди.

Бола рози бўлибди. Хон ҳалиги овчи билан камбағални ҳузурига чорлабди. Бола овчидан воқеа тафсилотларини сўраб билди:

– Оққушлар учаётган узоқликда турган ўғлингизнинг бошига оққушнинг тухумини қўйсақ, нишонга теккиза олсангиз, даъвоингизни ҳақ деб топамиз, – дебди.

Овчи ушбу шартга рози бўлибди ва юз қадам масофадан ўғлига зиён етказмасдан, унинг боши устидаги тухумни бехато нишонга олибди. Шундан сўнг овчига еттита оққушнинг ҳақи тўланибди.

Бола камбағалнинг арзини тинглаб, катта қозонни эчки сутига тўлдириб, қайнатиб, ўтовга қўйишни буюрибди. Эртаси куни чорвадор бойнинг йилқисини ўтов ёнидан ҳайдаб ўтишибди. Қарашса, отлар дупуридан сут юзасидаги кўпиклар тўрт қисмга ажралиб кетган экан.

– Янги туғилган чақалоқнинг мияси ҳам худди ана шу кўпикка ўхшайди. Йилқининг шовқин-сурони, дупури унинг миясини шикастлаган. Натижада чақалоқ ўлиб қолган, – дебди бола.

Шундан сўнг чорвадор бой жазоланибди. Хон болани жазодан озод этиб, юрт қозиси қилиб тайинлабди.

Қалмиқ халқ ижодидан.